

Оила аҳил
бўлса,
Омад ўз оёғи
билан келар.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 7-iyul, shanba № 54 (8495)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди энг кам: иш ҳақи — ойига 72 355 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 141 520 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдориди белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга берилладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан мо-

лияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 июль

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 июль куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси кўйи кўмитаси раиси Дэн Бертон ва конгрессмен Грегори Миксни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон АҚШ Конгресси нуфузли делегациясининг мамлакатимизга ташрифига Ўзбекистон-Америка мулоқоти изчил ривожланиб, мустақамланиб бораётганидан яна бир далолат, икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият сифатида қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида кенгайиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўзаро англашув ва ишончни мустақамлашда, сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, гуманитар соҳалардаги кўп қиррали шериклики, шунингдек, демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кен-

гайтиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокамаси чоғида Афғонистон мавзуга, ушбу мамлакатдаги ҳозирги вазият ривожининг турли йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон икки томонлама асосда Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмага оид, мазкур мамлакатда тинч ҳаётни тиклашга қаратилган иншоотлар қурилишида қатнашиб келаётгани ва бундан буён ҳам иштирок этиши таъкидланди.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни, долзарб минтақавий ва глобал муаммоларни конструктив тарзда муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли асосда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

ЎЗА

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ЁШЛАР

Мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида битирувчиларга диплом топшириш тантаналари бўлиб ўтди



7-бетга қаранг.

БАХТ ДАБДАБАЮ ҲАШАМДАМИ?

Тўйлар билан боғлиқ турли маросимларни кимлар ўйлаб чиқармоқда? Булар ҳаётимизга қувонч келтиряптими ёки ортиқча ташвиш?

Меҳр-оқибатли халқмиз. Кўни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари бизда азалдан эзгу қадрият саналади.

Хурсандчилигини яқинлари билан баҳам кўриш истаги халқимизнинг ҳамжихатлиги, жислиги, аҳиллигидан дарак беради. Тўй — миллатимизга хос ана шундай бетакрор фазилатлардан бири.

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

Чиндан ҳам кўнглинг суйган одам билан дилдан суҳбатлашганга нима етсин! Бундай пайда дастурхонга нималар қўйилгани, неча хил таом тортилгани муҳим эмас. Асосийси — яхши гурун, маънавий суҳбатдан кўнгилайрайди.

(Давоми 5-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Комплекс бўйича жами 1 триллион 995 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 123,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 965 миллиард сўмлик (119 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дас-турига киритилган лойиҳалар бўйича 161,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 133 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Комплекс йиғилишида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳам-жиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тadbирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга доир вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органларида "Ягона ойна" марказларини ташкил қилишнинг ҳолатига оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комплекс таркибига кирувчи идоралар тизимида 2011-2012 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белги-ланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

уларнинг жамиятдаги ўрни қандай?

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан бўлиб ўтган учрашув ана шу мавзуга қаратилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказилган тadbирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташриф буюрган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, олималар, ёш тadbирчиликлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда Зулфияхоним издошлари тинимсиз изланишлар олиб бориб, салмоқли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Лекин, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги қай даражада? Замондошларининг ўз иқтидорларини намойиш этиши, маънавий камолоти, маҳалладошлари ҳаётига ижобий таъсири сезилаётими? Улар том маънода хотин-қизлар қўмиталарининг жойлардаги ташаббускор, жонқуяр вакили сифатида иш олиб бора олаётими?... Учрашув давомида шу каби мулоҳазалар атрофида баҳс юритилди.

Учрашувда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ижтимоий бурчи ва фаоллигини янада ошириш, ижодий, илмий-маърифий изланишларини изчил қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилди.

Учрашув давомида қизлар бугунги кундаги фаолияти, режалари ҳақида сўзлаб беришди. Айни пайтда уларнинг олдида ўзалари истиқомат қилаётган маҳаллалари, тахсил олаётган илм масканларида тарғибот ишларини олиб бориш, мактабни тугатаётган ёшларнинг келажаги

билан қизиқиш, Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлишни дилларига туккан издошларининг илмий, ижодий ишлари билан яқиндан танишиш, мавжуд муаммолар ечимида давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдек вазифалар қўйилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхнова сўзга чиқди.

Ойбуви ОЧИЛОВА



Дадам сўзлаб берган эди: қадимда бир шоҳ икки буюк физик ва математикни ҳузурига чақиртирибди. Уларнинг қўлга юзтадан мих тутқазиб, деворга қоқишни буюрибди. Шунда физик бир зумда вазифани қўйиллатибди. Математик эса битта михни қоқиб, қолганлари ҳам худди шу тартибда қоқишлини айтибди... Ҳа, математиканинг «фанлар отаси» дея таърифланиши бежиз эмас. Бироқ бу икки фан доимо бир-бирини тўлдириб келади. Шу боис мен учун математика ҳам, физика ҳам бирдек қизиқ ва муҳим.

«ОРЗУИМ — ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ»

Мактабимиз аниқ фанларга ихтисослаштирилган. Бўш вақтларимизда мисол ва масалалар ечишни хуш кўраман. Физика ва математикага иштиёқ болалигимдан уйғонган. Қаттиққўл ва талабчан физика ўқитувчимиз Қизларгул Алихонова мактабимизда шу фан тўрагини очган. Қўшимча машғулотларга мунтазам қатнашдим. 8-синфда электр занжирини йиғиш, ўтказгичларни кетма-кет ва параллел улаш, ўтказгичнинг қаршилигини аниқлаш каби содда лаборатория ишларини бажариб, фанга меҳрим янада ошди. 9-синфда эса нисбатан мураккаброқ бўлган буеланиш ва конденсация, қаттиқ жисملарнинг эриши ва қотиши, иссиқлик ҳамда электр двигателларини йиғиш, электр ва иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантирувчи генераторлар, электр заряди, ички

ёнув двигатели, поршенлар ҳаракати каби машғулотларда билимимни мустаҳкамлаб бордим. Икки йил бурун жиҳозланган мактабимиз лабораториясида тажриба ўтказиш учун барча шароит етарли.

Онам: «Аксарият тенгдошларимнинг ўзалари қизиққан соҳасини танлаб, етук мутахассис бўлиш орзуси армонлигича қолган, — дея кўп такрорлайди. — Сизлар эса жуда бахтли авлод-сизлар. Ўн икки йил бепул таълим олиш билан бирга, икки-уч хил касб-хунар эгаллайсизлар». Ҳақиқатан, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бола бўлсин, барча синфдош дўстларим ўзалари ёқтирган йўналишлар бўйича ўқишни давом эттирмақчи. Касб-хунар коллежларида эса бизнинг қизиқишларимизга мос замонавий мутахассисликлар бўйича янги йўналишлар очилмоқда.

Мана, бу йил 9-синфни тамомладик. Келажагимни Тер-

миз sanoat va transport kollejinинг автомобилларни йиғиш ва синаш бўйича техник механик йўналишида кўрдим. Ота-онам қизиқишларимни қўллаб-қувватлапти.

Коллежни тамомлаганимдан сўнг олий ўқув юртида ҳам тахсил олиб, автомобилсозлик соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишмоқчиман. Энг катта орзум — Асака туманидаги автомобиль заводида ишлаб, экологияга кам зиён етказадиган, тежамкор, арзон ва сифатли янги моделдаги машиналарни яратиш. Мен эгалламоқчи бўлган мутахассисликка меҳнат бозорида талаб катта. Бу ўзимга, келажагимга ишончимни янада оширмақда.

Хилола ШАМЕТОВА,
Termiz шаҳридаги
4-ихтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактаб-интернати
битирувчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, собиқ тузум мафкуриси сингдирилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан воз кечилиб, миллий истиқлол ғояларига йўғрилган, янги мазмун ва сифатдаги дарсликларга эҳтиёж туғилди. Бу эса маълум бир вақт, узоқ изланиш, машаққатли меҳнат талаб қилар эди. Шу боис, ҳеч кимга сир эмаски, таълим муассасаларининг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланишида бўшлиқ юзага келган пайтлар ҳам бўлди.

Ўқувчилар берилган вазифаларни бажармай келишарди, — дея хотирлайди кекса педагоглардан бири.

дини танлов асосида амалга оширишнинг такомиллаштирилган механизми ишлаб чиқилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги дарсликлар ва ўқув-метodik адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими бошлиғи Абдуҳамид Ермеков. — Муаллифлар таркибини аниқлаб олиш, дарслик ва ўқув-метodik комплексларни танлов асосида саралаш ҳамда уларни нашр этиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш жорий этилди. Бу эса дарсликлар мазмуни, дизайни ва полиграфик сифатини узлуксиз яхшилаб бориш имконини бермоқда.

Белгиланган даврийлик асосида 1-синф дарсликлар

талабларига мос, мазмунан мукаммал бўлиши, ўқувчи дунёқарашини кенгайтириши, билим асосларини шакллантириши билан бирга, эстетик дидни тарбиялашга ҳам хизмат қилиши лозим. Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак», деган таъкиди ҳам мутахассисларга янада катта масъулият юклайди.

— Дарслик яратиш машаққатли меҳнат ва улкан масъулият талаб этади. Шу боис бу ишга ўз соҳасининг билимдони, педагогика-психология илмини пухта бил-

дарсликлариди саналар, номлар, тарихий тушунчалар борасидаги тафовутлар (битта воқеа ҳақида 2та дарсликда 2 хил маълумот учраши каби) бўйича бир тўхтамга келиш юзасидан мутахассисларнинг таклиф ва тавсиялари инобатга олинди. Шунингдек, дарсликларнинг барча тиллардаги вариантлари ўзбек тилидаги вариантга мослаштирилди, матнлардаги гаплар стилистик, грамматик нуқтаи назардан таҳрир қилиниб, мураккаб жумлалар ўқувчининг ёш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда соддалаштирилди. Бошқа фанлардан ҳам камчиликларнинг олдини олиш

Dolzarb mavzu

бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Дилдора Нуриддинова. — Мисол учун, 2010-2011 ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган дарсликлар танловида 5-синф учун А.Рафиев раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи яратган «Ўзбек тили» дарслиги ва методик қўлланмаси экспертлар ҳулосасига кўра ғолиб деб топилди. Дарслик оптимallashtirilgan ўқув дастури талаблари асосида яратилган бўлиб, тузилиши соддалан мураккабга томон йўналтирилган. Дарсликда фонетик, грамматик қоидалар содда ва аниқ ифодаланган. Хар бир нутқий мавзу бўйича танланган матнлар тарбиявий аҳамиятга молик бўлиб, матн мазмунига мос машқ ва топшириқлар берилган. Ўқувчиларни фаол ва мустақил фикрлашга ундовчи материалларга кенг ўрин ажратилган. Мавзулар ичида берилган суҳбат намуналари, мустақил ишлар ўқувчиларнинг ўз нутқи устида ижодий ишлашга, мустақил равишда гаплар ва матн тузишга имконият яратди.

Дарсликларнинг матбаа сифати ва дизайнини яхшилаш мақсадида ҳам нашриёт ва босмахоналар раҳбарлари ҳамда халқ таълими тизимида дарсликларнинг янги авлодини яратиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи мутасадди мутахассислар иштибо тузилган. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси мажлисининг 2006 йил 19 декабрдаги 07/1-356-сонли баёнига асосан «Дарсликларни чоп этишда уларнинг сифати, ишлатиладиган материалларга, уларнинг таркибига қўйиладиган талаблар ва метёрлар бўйича стандартлар» ҳамда «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашга санитария-гигиена талаблари» қайта ишланиб, такомиллаштирилган ва тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланган. Айни кунларда дарслик ва ўқув-метodik қўлланмаларни чоп этишда ушбу стандарт ва талабларга амал қилиняпти. Тайёр ўқув адабиётларини эса ўз вақтида умумтаълим мактабларига етказишга катта эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ғолиб БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

— Топшириқни бажарган ўқувчи мактабга ўзгача ишгиёқ билан келади. Янги мавзу тушунтирилаётганда ҳам диққат-эътибори ўқитувчида бўлади. Аслида, кўпчилик ўқувчиларнинг уйга вазифаларни бажариб, ўқиб-ўргангиси, ҳамма нарсани билгиси келарди, аммо дарслик йўқлигидан қизиқиши сўниб қоларди. Бугун эса барча шароитларга эга замонавий биноларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизда бу каби муаммо йўқ. Ўқиб-изланиб, билим чўққиларини забт этишлари учун барча имкониятлар яратилган».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим муассасаларини дарсликлар билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Вазирлар Маҳкамасининг «2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-метodik қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги 548-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 362-сонли қарорлари асосида Халқ таълими тизимида дарсликлар ва ўқув-метodik адабиётларнинг мазмунини янгилаш, янги авлодини яратиш ҳамда жойларга етказиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва хари-

уларда миллат фикри, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этаётганими?

ри ҳар йили, 2—4-синфларники 2 йилда, 5—9-синф ўқув адабиётлари эса 4 йилда бир маротаба қайта нашр этилмоқда. Дарсликлар тўплами 1-синфга бепул тақдим этилади, 2—9-синф ўқувчиларига ижара асосида берилди. Бу бир ўқувчига ўртача 8 000—10 000 сўмга тушади. Кам таъминланган оила фарзандларидан эса ижара пули ундирилмайди.

2004-2005 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг дарсликлар билан таъминланиши 82,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-2012 ўқув йилида бу кўрсаткич 99,2 фоизга етди. Ўтган етти йилда ўсиш динамикаси 17 фоизни ташкил этган.

2012-2013 ўқув йили учун ҳам умумтаълим мактабларига 182 номда 11 240 943 нусха дарслик ва 16 номда 105 429 нусха ўқув-метodik қўлланма; maxsus мактаб, Меҳрибонлик уйлари ва интернатлар учун 18 номда 13 906 нусха дарслик ва ўқув-метodik қўлланма чоп этилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда нашриёт ва босмахоналарда иш жараёни қизғин давом этмоқда.

Шу ўринда ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти борасида ҳам тўхталишга тўғри келади. Дарсликлар давлат таълим стандартлари

ган, замонавий педагогик технологиялардан хабардор етук олимлар, методистлар ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар жалб қилинмоқда, — дейди Республика таълим маркази директори ўринбосари Муножат Абдалова. — Дарслик ва ўқув-метodik қўлланмаларни мазмунан бойитиш, сифатини ошириш ва ёш муаллифлар гуруҳини шакллантириш мақсадида кўпгина тажрибали амалиётчи ўқитувчилар ҳамда муаллифлар хорижий давлатларда малака ошириб қайтдилар. Ана шундай тажрибали муаллифлар томонидан бир қатор дарслик ҳамда ўқув-метodik қўлланмаларнинг янги авлоди яратилди. Масалан, М.Мирзааҳмедов ва бошқалар томонидан 5-синф «Математика» дарслиги, М.Тиллабоева муаллифлигида 9-синф «Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси», Э.Сариқов, Б.Ҳайдаров ҳаммуаллифлигида 8—9-синф «Иқтисодий билим асослари», Б.Болтаев, М.Маҳкамов ҳаммуаллифлигида 5-6-, 7-, 8-синфлар учун «Информатика» дарслиги тайёр бўлди.

Дарсликларнинг янги авлодини яратишда фойдаланиб келинаётган айрим ўқув адабиётларида мавжуд камчиликларни тузатишга, бартараф этишга эътибор қаратилди. Масалан, тарих

ва келгусида сифатли дарсликлар яратилиши учун муаллифлар билан ўқитувчи ва методистлар ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда.

Янги муаллифларни танловга жалб этиш ва қўлёзмаларни баҳоловчи экспертларни тайёрлаш мақсадида Республика таълим марказида муаллифлар тўғрисида маълумотлар банки яратилди. Республика миқёсида «Ёш муаллифлар гуруҳлари» таркиби тузилиб, улар учун тасдиқланган жадвал асосида доимий ҳаракатдаги ўқув семинарлар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, таълим мазмунини такомиллаштириш кўп жиҳатдан таълим босқичларида узвийлик ва узлуксизликнинг қай даражада таъминланганига боғлиқ. Шунга кўра, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълимида ДТС ва ўқув дастурлари узвийлаштирилган эди. Бунда ўқувчи-ёшларнинг психологик имкониятлари эътиборга олиниб, умумий мактаб ўқувчилари учун мураккаб деб топилган бир қанча мавзулар ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурига ўтказилган.

— Дарсликларни нашр этиш жараёнида, албатта, оптимallashtirilgan мавзулар инобатга олинди, — деди Республика таълим маркази филология фанлари



❖ Тошкент вилоятида «Миллатларaro totuvlik va diniy bag'rikenglik — taraqqiyot omili» mavzusida бўлиб ўтган анжуманда вилоятда фаолият юритаётган 30га яқин миллий маданият марказлари фаоллари, жамоат ташкилотлари, диний идоралар вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги ва Республика Байналминал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» мавзусидаги миллий маданият ва қадриятлар кўргазмаси билан бошланди. Кўргазмада ҳудудда яшовчи турли миллатларнинг маданиятини акс эттирувчи либослари, урф-одатлари, таомлари, осори атиқалар намойиш этилди.

Анжуманда миллатларaro totuvlik халқимизга хос фазилат экани, бу эзгу фазилат истиқлол йилларида янада эъзоз ва сайқал топгани, бугунги кунда юртимизда 100дан зиёд миллат ва элатлар бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ яшаётгани, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар юрт тинчлиги, Ватан равнақи учун меҳнат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир миллий маданият марказлари қошидаги ижодий жамоалар ва санъат усталарининг бадий-муסיқий дастури билан низоҳасига этди.

❖ Бухоро вилояти Пешку туманидаги тиббиёт касб-хунар коллежида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказилган фестиваль доирасида ўқувчилар ўртасида иншолар ва расмлар кўриктанлови ҳамда тумандаги маҳаллаларда яшовчи тадбиркор ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Фестиваль доирасида вилоятнинг бир қатор туманларида ёшларнинг маҳаллий ҳокимликлар вакиллари билан учрашувлари уюштирилди. Тадбирда иштирок этган ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ўз билимларини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар билдиришди.

Жондор туманидаги қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида ўтказилган учрашувда «оммавий маданият»нинг салбий таъсирига қарши курашда санъатнинг ўрни ҳақида сўз борди. Шунингдек, жойларда ёшларнинг фаол иштирокида ўтган «Сиз севган қахрамонлар», «Замонамиз қахрамонлари», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз», «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Камолот» кутубхонаси каби тадбирлар ҳам йигит-қизларда катта таассурот қолдирди.

❖ Пойтахтимизда номоддий маданий меросни муҳофазалашда миллий салоҳиятни юксалтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқaro ташкилотлар, фольклор жамоалари вакиллари, олимлар, мутахассислар, миллий ва халқaro экспертлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли маънавий-маърифий илохотлар жараёнида ноёб маданий меросни асл ҳолича асраш ва ўзбек халқининг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган буюк ҳиссасини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга қаратилаётган доимий эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Семинарда вазирлиқнинг вилоят ва туман бўлимлари мутахассислари, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказининг жойлардаги тузилмалари ходимлари номоддий маданий меросни асраш бўйича миллий ва халқaro миқёсдаги илгор таҳриб билан танишдилар.

❖ Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти бўлими томонидан вилоят ҳокимлиги, бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган фестивалнинг очилишида Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, тамаки чекишининг кўнгилсиз оқибатлари, ОИТС касаллигига чалинмаслик омиллари, соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида савол-жавоблар ўтказилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ ЙўЛЛАГАН МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Битирувчиларнинг иш жойи аниқ

Андижон педагогика коллежида «Битирувчилар бандлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда коллеж жамоаси, иш берувчи корхона ва ташкилот вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кичик мутахассис кадрларни ишга жойлаштириш ва уларга корхона ҳамда ташкилотлардаги талаб хусусида фикр юритишди. Жорий йилда коллежнинг 623 нафар ўқувчи битирилади. Уларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама

шартнома тузилган бўлиб, битирувчилар мактабга таълим, мактаб ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ишга жўнатилмоқда.

— Битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича олдиндан ҳаракат бошлаганимиз, — дейди коллеж директори Му-

қаддамхон Абдурахимов. — Ҳозир эса бунинг натижасини кўриб турибмиз ва улар ҳеч бир қийинчиликсиз ишга жойлашмоқда. Маълум бир қисми олий ўқув юртида таълимни давом эттириш ниятида.

Тадбир сўнггида бандликка қўмаклашиш марказ ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакиллари битирувчиларга иш жойларига йўлланмалар беришди.

Хондамир АЛИМОВ,
Андижон педагогика
коллежи директори
ўринбосари

Билимдонлар оромгоҳи

Поп туманининг Чодак қишлоғида жойлашган «Офтобча» болалар дам олиш оромгоҳида билимлар беллашуви иштирокчилари мазмунли дам олмақда.

— Ёз давомида 720 нафар ўғил-қизни соғломлаштиришни режалаштирганмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Садоқат Абдуллаева. — Дам олувчиларнинг 123 нафари иқтидорли ўқувчилар ўртасида ўтказилган Билимлар беллашуви голибидир. Оромгоҳга ихтисослашган мактаб-интернатларнинг энг фаол педагог-ҳодимларини жалб этдик. Асосий вақт фан тўғрақларида ўтказилади. «Баркамол авлод вакилларимиз» шiori остида спорт мусобақалари, «Кувнок стартлар» эстафета ўйинлари, «Спорт — соғлиқ гарови» мавзусида вилоятдаги таниқли спортчилар, Ўзбекистон ва жаҳон чемпионолари билан учрашувлар ўтказиб келямиз.

— Мен бу ерда жуда кўплаб дўстлар ортирдим, — дейди Мингбулоқ туманидаги 13-ИДУМИнинг 8-синф ўқувчиси Мунира Усубжонова. — Барча шарт-шароитлар менга манзур. Зерикишга вақт йўқ. Шифокор Азимжон Холбажанов доимо соғлигимизни назорат қилиб борапти. Волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка тўғрақларида, сузиш ҳавзасида турли мусобақалар ўтказяпмиз.

Камола НОСИРОВА

Наманган вилояти

Мароқли ҳордиқ

Ғаллаорол тумани Қашқабулоқ қишлоғида, Сангзор дарёси бўйида жойлашган «Камолот» кундузги оромгоҳида 200 нафар болажон мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Ҳар тонг йўлақлар бўйлаб тез юриш ва югуриш машқлари севибли машғулотга айланган. Сув ҳавзасида эса ўғил-қизлар сузиш сирларини ўрганаётди. «Гулхан» деворий газетаси дам олувчиларнинг кундалик ҳаётини мунтазам ёритиб бормоқда. Болажонларнинг «Эртақлар оламига саёҳат» мавзусида чизган ранг-баранг суратлари, «Моҳир қўллар» тўғраги аъзолари тай-

ёрлаган «Биз кичик усталартез» стенди кўрган кишига завқ улашади.

— Бу йилги ёз мавсумида вилоятимиз бўйича шаҳардан ташқарида жойлашган 13та оромгоҳда 3800 нафар, 42та кундузги оромгоҳда эса 4210 нафар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қошида 85000 нафар боланинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар

муҳайё этилган, — дейди Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров. — Шунингдек, оромгоҳларда қорақалпоғистонлик ўқувчилар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам мароқли дам олишмоқда. Оромгоҳларда ўтказилаётган ҳар бир тадбир болалар дунёқаролини кенгайтириш, ижодий қобилиятини ўстиришга йўналтирилган.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти

Кўнгилларга завқ улашаётган «Камалак»

Баҳор тонгида шаррос ёмғирдан сўнг қулиб чиққан офтоб шуълаларига ҳамоҳанг из солган камалак беихтиёр кайфиятинингизга илиқлик улашади. Турфа рангларнинг ўйноқ жилоланиши шодон болакайларнинг шўх табассумига ўхшайди гўё.



Шайхонтоҳур туманидаги 314-умумтаълим мактаби қошида очилган «Камалак» ёзги соғломлаштириш оромгоҳига келган ҳар бир кишининг хаёлидан мана шундай ўй кечса, ажабмас. Бу ерда мароқли ҳордиқ чиқараётган болаларнинг «Салом, оромгоҳ», «Ёз юлдузлари», «Кувноклар ва зукколар», «Эртақлар яхиликка етаклар» каби тадбир ва танловлардаги фаол иштирокини кўриб, шодон кулгуларю болаларча кийирикларини эшитиб, оромгоҳ номи қанчалик ўзига мослиги ҳақида ўйлайсиз.

— Оромгоҳимиз тўрт мавсумда 125 нафардан ўқувчиларни ўз бағрига олади. Бу ерда болажонларнинг «Ким эпчил-у, ким чаққон?» мусобақаларида, шахмат-шашка, футбол, стол тенниси ва бошқа спорт тўғрақларида мун-

тазам қатнашаётгани соғлигини тиклаб, жисмонан ва ақлан етуқликка эришишга хизмат қилмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Раъно Сағатова. — Бундан ташқари, ёшларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига оид билимларини бойитишда «Яшил чирок» танлови, экологик маданиятни шакллантиришда «Табиатни асранг!» иншолар танлови, эстетик диди ва истеоддини ўстиришда «Ёш рассомлар», «Тўқишни ўрганамиз», «Моҳир қўллар» тўғрақларининг ижодий кўргазмалари ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Болажонларга завқ-шавқ ва олам-олам ҳушнудлик улашаётган оромгоҳ уларнинг қалбидан ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Умида ИСМОИЛОВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дўсту биродарларнинг бир-бирини йўқлаб, дийдор кўришидан мақсад ҳам шу аслида. Аммо кейинги пайтларда тўйларни ўтказишда кўшимча маросимлар тобора кўпайиб бормоқдаки, хайтовур, улар маънавий суҳбатлар эмас, дабдабозлик, ҳашамат, кимўзарлик ва охири-оқибат исрофгарчилик асосига қурилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид фармони қабул қилинган эди. Албатта, шундан сўнг халқимиз табиатидаги ёт бундай ҳуноқ ҳолатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари анча тартибга тушди.

Бироқ вақт ўтиши билан ўз-ўзини кўз-кўз қилишнинг, шуҳратпарастлиги дабдабозликнинг янги-янги усуллари пайдо бўла бошлади. Энг ёмони, бундай ноҳуш одатларнинг "ижодкорлари" ўзимиз. "Маҳаллада дув-дув гап" фильми қаҳрамони сингари битта кўзини ҳаммага ўнта қўй, деб айтгимиз келади. Ҳозирнинг овозини етти маҳаллага етказишни истаймиз. Ёша фильмда Лутфихоним Саримсоқова ижросидаги Меҳринисо ая айтганидек, "бу тиниб-тинчиман одамлар нималарни ўйлаб чиқармайдими".

Ҳа, кундан-кунга кўпайиб бораётган бундай одатларнинг азалий миллий кадриятларимизга алоқаси йўқ. Улар кимлар томонидан тўйлаб топирилган, балки кимларнингдир манфаатига хизмат қиладиган бидат-хурофотлардир.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида никоҳ тўйи давомиди йигирмага яқин маросим ўтказилади. Баъзан бу маросимларнинг ҳар бири алоҳида тўйга айлиб кетади. Уларда ўзаро алмашинадиган совға-саломлару сарпою тоғораларни айтмай қўя қолайлик.

Ўтган йили қизини узатган тошкентлик Гулсанам опанинг айтишича, урф-одатга кўра, дастлаб "оқ ўра" маросими бўлади. Унда қизнинг онаси розилик аломати сифатида қуда томондан келган аёлларга бош-оёқ сарпо, мева-ширинликлардан ясалган сават беради, дастурхон безатиб, меҳмон қилади. "Катта фотиҳа" маросимида қувв томондан ўнлаб тоғорада озиқ-овқат ҳамда келинга сарпо келади. Қиз томондан улардан ошириб, яъни тоғора-тоғора таом, қувв ва қудаларга сарпо қилинади.

Тўйдан олдин қуввниқиди "Мол ёр" – мебель, парда, идиш-товоқлар, ўрин-кўрпа, гиламларни намойиш этиш маросими, келинниқиди "Қизлар мажлиси" ўтказилади. Тўй кунини ресторанда ош берилди, қувв навқарлар қутилади. Тўйдан сўнг "Келин салом", "Чарлар", "Хафталик" маросимлари, хайитлар муносабати билан яна бир қанча қўшимча расм-русуллар бажарилади.

Опанинг айтишича, қизи

яқинда фарзандли бўлар экан. Энди у "Кичик қовурдоқ", "Катта қовурдоқ", маълум бир вақтдан сўнг "Бешик тўйи" маросимларини ўтказиши керак экан. Унда ҳам йиғилганларга турли совға-саломлар улашилади. Чақалоқ қирқ кунлик бўлганда, "Чиллагузарон" ўтказилиб, қувв томон турли сарпо, овқат ва пиширилк билан меҳмон қилинади.

Ўйлаб қаралса, тўйдан олдинги ва тўйдан кейинги маросимлар шунчалик кўп эканки, уларни адо этиш учун қанча маблағ кетишини оддий хомчўт қилишнинг ўзиёқ унча-бунча оилани шошириб қўйиши тайин. Буларнинг бар-

ва. – Жамоатчилик кенгашларининг олимлар, тажрибали педагоглар, санъат намояндалари ва маҳалла фаолларидан таркиб топгани аҳолининг уларга нисбатан эътибори ва ишончини оширмоқда. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги Жангоҳ маҳалласи, Юнусобод туманидаги Матонат ва Минг-ўрик маҳаллаларида мазкур кенгаш тавсилари асосида намунавий тўйларни ўтказдик. Қисқартирилган ёки ичмашлаштирилган маросимлардан, қаторлашган автомашина ва "бирровчи" хонандаларга кетадиган харажатлардан тежалган маблағ эвазига ёш оилага рўзғор буюмлари олиб берил-

ди тилга олинган иллатларнинг олди олинган бўлармиди...

Яна бир мулоҳаза. Бугунги кунда тўй ва маросимларни "юқори савияда" ўтказишни таклиф этаётган кўплаб фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг рекламаларида аънавий хизмат турларидан ташқари "юлдузли осмон", "капалак ва шарлардан феерверк", "шоколадли фонтан" каби гаройиб таклифларни ҳам учратиш мумкин. Номланишдан ҳам кўриниб турибдики, бу гаройиботлар факат дабдабаю асъасага хизмат қилади. Тўй соҳиблари улардан ҳаммани хайрон қолдириш, бош-

Муқаддас динимизда хайр-эхсон ва турли садақаларни беришда меъёрдан ошиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш қораланади. Қуръони Каримнинг "Фурқон" сўраси 67-оятда хайр-эхсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг махбуб бандалари эканлиги таъкидланади. Ҳадиси шарифлардан бирида "Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинлар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!" дейилади.

Тўйларимиз – юртимиздаги тинчлик, халқимиз фаровонлиги белгисидир. Холбуки, дунёда қанчадан-қанча одамлар уруш ва таҳлика ичида яшапти. Биз шундай эркин ва обод дийрда роҳат-фароғатда тўю шодиёналар ўтказётган эканмиз, бунга шукр қилиш, ҳаддан ошмаслик, меъёрни билиш зарур. Тўйлардаги ортиқча дабдаба, исрофгарчилик ҳам ношуккурлик аломатидир.

Ҳа, юртимиз янада фаровон бўлсин, тўйларимиз, яхши кунларимиз кўпаяверсин – бунга ҳаммамиз хоҳлаймиз. Лекин тўқилиш ва фаровонликни суийестемол қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш, турли ортиқча маросимларни жорий этиб, миллий аънавларимизга пугур етказишнинг нима кереги бор?

Ўзига тўқ инсонлар халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини муҳтожларга, етим-есирларга, бевабечораларга ёрдам бериш, маҳаллаларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш каби ишларга сарф қилса – шундай эзгу савй-харажатлар орқали ҳақиқий обрў орттирса, қандай яхши! Бундай олижаноб, сажий, мурувватли инсонларимиз кўп. Уларнинг сафи янада кенгайсин, деймиз...

...Инсон организмни ҳар қандай салбий таъсирни энгиб ўттиш учун бутун вужуди бир бўлиб унга қарши курашади. Бу иммунитет дейилади. Шундай курашилмаса, биргина вирус ҳам вақт ўтиши билан бутун организмни ишдан чиқариши мумкин.

Халқ ҳам бир бутун организм, ягона система кабидир. Бутун бир жойда пайдо бўлган ноҳуш иллат эртага бутун юртимизга тарқалиши ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш учун эса унга қарши биргаликда курашиш керак. Бу тушунча, авваламбор, аёллар ва ёшларнинг онгига синдириш, қолаверса, уларга ортиқча эрк бериб қўяётган биз эркаклар ҳам чуқур англаб оломимиз зарур. Тўйларни дабдабозлик намойиши эмас, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини, гўзал урф-одатини ифода этадиган маросимга айлантириш эл-юртимизга факатгина соғлом рух, фаровонлик бағишлайди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг қучими ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

БАХТ ДАБДАБАЮ ҲАШАМДАМИ?

Тўйлар билан боғлиқ турли маросимларни кимлар ўйлаб чиқармоқда? Булар ҳаётиимизга қувонч келтиряптими ёки ортиқча ташвиш?

часига яна қанча одамнинг қимматли вақти кетади, ишдан қолади, гоҳида асаббозарлик ҳам бўлади.

Ҳўш, бундай ортиқча маросимлар, катта-катта сарф-харажатлардан мақсад нима? Наҳотки, икки ёшнинг бахти учун шунча нарсаси, шунча маросим керак бўлса?! Ёшларнинг бахти, оиланинг мустақамлиги шулар билан белгиланадими?... Кошки эди... Бизнингча, ушбу тартиб-қоидаларни "кашф" этаётганлар бу ҳақда ўйламайди ҳам.

Бундай ҳавас ва интилишларнинг носоғлом мусобақаси айланиб кетиши эса ор-номусли кишиларни оғир аҳволга тушириб, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Тўйдан кейинги келишмовчиликларга сабаб бўлиб, оила-мустақамлигига пугур етказиши. Шу боис тўй-ҳашам, оилавий тадбир, маърака ва маросимларни тартибга солиш бугунги кунда жамиятимиз олдида долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши хайрли бир ташаббус бошлади: тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга оид қарор қабул қилди. Унга кўра, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ушбу тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилди. Улар томонидан тўй ва маросимларни ўтказишдаги меъёрлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

– Бундай кенгашлар Тошкент шаҳар ва барча туман ҳокимликларида, пойтахтимиздаги 476 маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритади, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарид Абдурахимов.

Энг асосийси, бундан кўпчилик тўғри тушуниди, мамнуният билан қабул қилди. Яна бир муҳим жиҳати, пойтахтимиздаги тўйхоналар билан узвий алоқа йўлга қўйилганидир. Эндилекда уларнинг маълумотлари орқали тегишли жамоатчилик кенгаши ўз ҳудудидаги тўй ва маросимлардан хабардор бўлиб боради, ташкилотчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беради. Бу орқали нафақат дабдабали тадбирларнинг, балки қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳам олди олинмоқда.

Бу хайрли ташаббус халқимиз ҳаётига бефарқ бўлмаган, ўзини шу жамиятга дахлдор деб билган ҳар бир инсонни қувонтиради, албатта. Лекин ушбу меъёрларнинг ҳаётиимизга чуқур сингиши, барчага бирдек меъёрга айланиши учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Аввало, халқ назаридаги одамлар, эл орасида обрў-эътиборли кишилар бу борада барчага ўрнак бўлишлари лозим.

Масалан, сўнгги пайтларда айрим хонандаларнинг тўйлари ёзилган дисклар аҳоли орасида тарқалиб кетди. Уларда кўз-кўз қилинаётган кўрку ҳашамат оддий одамларга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Айниқса, оила қуриш арафасидаги ёшлар бундай дабдабали тўйларни кўргач, хою ҳавасларга берилиб, ота-онасини турли қийинчиликларга дучор қилиши, оқибатда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларга зиён етказиши ҳам мумкин. Ҳарчи, бунча тўй ўтказишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди-ку.

Дабдабали тўйнинг видеосини тарқатаётганлар аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳашамга ўлик, такаббурлик ва манманликни тарғиб этиб қўймаптимики?! Тегишли идоралар бундай номоъқулчиликларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли чоралар кўрса, юқори-

қалардан ажралиб туриш, керак бўлса, шу йўл билан ўз обрўини ошириб олиш истагида фойдаланади.

Айнан мана шундай маънавий қашшоқ истаклар бизни янги-янги расм-русумларга, «мода»ларга етакламоқда. Шу вақтга «Жип» ва «Лимузин»ларда сайр қилган келин-қуввлар энди ок отли фойтунларда шаҳар айланмоқда. Чунки юқоридаги автомашиналарда юриш хайратланарли бўлмай қолди. Фойтунда сайр қилиш эса (хазирча) янгилик! Бундай янги хизматларни таклиф этаётганлар ўз билганича нарх бичиб, кўплаб оилаларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Энг қизиғи, бундай янги тартиб-қоидаларнинг ортиқча дахмаса эканлигини ҳаммамиз биламиз, уларни қисқартиришга ич-ичимиздан қўшламиз. Лекин амалга келганда, фикримизга сўянчи иш кўрмаймиз. Одамлар нима дейди, деган истихोलани ҳеч енголмаймиз. Оқибатда ўз истакимизга, имкониятларимизга қарши борамиз.

Тўйни маънавият белгиси, дўсту биродарларнинг ширин дийдорлашуви, дедик. Ҳа, тўйга ёки меҳмондорчиликка боришдан мақсад қорин тўйазиш эмас. Бироқ сўнгги пайтларда тўй ва маросимларда, меҳмондорчиликда маънавий иштиёқдан кўра моддийлик устун бўлиб бораётганга ўхшайди. Бир овқатни еб бўлмасдан иккинчиси, уни ҳазм қилмасдан учинчиси тортилади. Ёнингдаги одам билан ҳол-аҳвол сўрашиш, гурунглашишга деярли фурсат бўлмайди. Қулоқни қоматга келтирадиган мусиқа эса гапни-гапга қўшмайди...

Ибн Сино бобомиз ўз асарларида бир овқат тўлиқ ҳазм бўлмасдан иккинчиси ейиш меъда фаолиятини бузишини бот-бот тақдорлаган. Бунга бутун дунё риоя қилади. Аммо буюқ табибнинг ворислари бўлган биз бу қоидага гўё унутиб қўйганимиз.

ИСМ ЖИСМГА
МОС БЎЛСИН

«Ma'rifat» gazetasi-ni 16 may sonida chop etilgan Kamola Alibekovning «Исмингизга хиёнат қилманг!» сарлавхали мақоласида жуда қизиқарли мавзу кўтарилган. Дарҳақиқат, исм инсонга бутун ҳаётида ҳамроҳ бўладиган, уни бошқаларга танитадиган воситадир.

Ҳар бир исмининг ўзига хос маъноси, ҳосияти бор. Аммо баъзилар бунга эътибор қаратмай, жарангдорлигига учади. Қора сочили қизларга Зулфизар деб исм қўйилади. Аслида, ушбу сўз форс тилида «тилла сочили» маъноси англатади. Баъзан қийик кўзли қизларнинг исми Шахло эканига гувоҳ бўламиз. Ро-

бия исми эса арабчада «тўртинчи»си дегани, бироқ айрим ота-оналар биринчи ёки иккинчи фарзандини шундай атайд.

Кейинги пайтларда «Шаҳзода» исми ҳам урф бўлаяпти. Аслида, бу сўз

«шоҳнинг ўғли» маъносини англатса-да, қизларга қўйилаётганига нима дейсиз?

Истардимки, ФХДЁ бўлимлари масъуллари ота-оналарга тўғри маслаҳат бериб, исмлар мазмунини тушунтиришса... Шунда фарзандларимиз ҳаёти исмига монанд бўлиб, янада гўзал ва мазмунли кечад.

Муҳайё ИСМОИЛОВА,
Фаргона давлат университети талабаси

БОЛАНИНГ
ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ
ТУТИНГ!

Ўқув йилининг сўнгги кунларидан бирида 7-синф ўқувчиси Шодмонжон мактабга келмади. Шу оқшом у уйидан чиқиб кетибди. Синф раҳбари Дилдоржон ўқувчиси негадир шу кунларда кайфиятсиз юрганини айтди.

Синф раҳбари, ўқувчилар, боланинг қариндошлари Шодмонни қидиришга тушдик. Айримлар уни кечкурун бошқа маҳаллада кўрганини, яна биров қайсидир қоровулхонада тунаганини айтди. Дарҳақиқат, Шодмон устакхона қоровулхонасидан топилди.

Мен уни хонамга олиб кириб, дўстона суҳбатладим. Маълум бўлишича, оилада тўрт фарзанд бўлиб, ота-онаси ажрашган экан. Онаси пул топиш илинжида хорижга кетган. Болалар тоға ва холанинг қўлида қолган. Ота-она меҳрини соғинган Шодмонжон холасининг кичик бир танбехига зарда қилиб, уйдан қочиб кетган. Унинг гапларини тинглаб, юрагим эзилди. Ота меҳрига зор бўлгани етмагандек, онасининг хорижга кетгани унга қаттиқ руҳий зарба бўлган. Холаси билан ҳам

суҳбатлашиб, боланинг қалбига қулоқ тутиши лозимлигини айтдим. Успиринлар бу ёшда жуда жиззакчи бўлиши, уларга эҳтиёткорлик билан муомала қилиш кераклигини педагог сифатида тушунтирдим.

Шу воқеадан сўнг мактабда қизлар мажлисини ўтказдим. Бўлган воқеани мисол қилиб,

хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, хунар эгаллаши лозимлигини уқтирдим. Фарзанд тарбиясида онанинг роли катта. Шу боис бугунги қизларнинг ўнга бармоғида ўнга хунари бўлсин, деймиз. Шодмонжоннинг онаси вақтида яхши бир касб-хунарни эгаллаганида, балки фарзандларини ўз меҳрига зор қилиб хорижда юрмаган бўлармиди?!

Шахло РАҲМОНОВА,
Шахрисабз туманидаги 88-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Дарсларни ноанъанавий усуллар орқали ташкил этиш, айниқса, муҳим тарихий саналарни ёшлар онгида сақланиб қолиши учун турли викториналар ўтказишга алоҳида

Jarayon

лим муассасаси маъмурияти томонидан олтин, кумуш, бронза медаллари, Фахрий ёриқ ва эс-миллар билан тақдирланади. Ўйлайманки, бу каби клубларни

«ЗИЁ» — ТАРИХ
БИЛИМДОНЛАРИ КЛУБИ

эътибор қаратаман. Тарих фани бўйича «Зиё» билимдон, зукко, иқтидорли ёшлар клубини очганимиз. Клуб ўйинлари асосан академик лицейнинг I ва II босқич ўқувчилари ўртасида, лигалар алмашинуви тарзида ўтади. Финалда беш жамоа иштирок этиб, баллар ҳисоби билан ғолиб жамоалар аниқланади. Улар таъ-

лим муассасаси маъмурияти томонидан олтин, кумуш, бронза медаллари, Фахрий ёриқ ва эс-миллар билан тақдирланади. Ўйлайманки, бу каби клубларни

Озода ОЧИЛОВА,
ЖДПИ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси

Наманган вилоят ахборот ресурс маркази ташаббуси билан «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тadbiri ташкил этилди.

Наманган туманидаги 22-мактабда ўтказилган шундай тadbirда вило-

Tadbir

Хайрия тadbiriда қатнашган ҳар бир меҳмон вилоят ахборот-ресурс маркази фондига турли мавзудаги адабиётлар тухфа қилди. Хусусан, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими 150 дона китоб тақдим этди.

АРМ ФОНДИ
ЯНАДА БОЙИДИ

ят, туман, мактаб ахборот ресурс марказлари, умумтаълим мактаб кутубхоналари, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, ХДПнинг туман кенгаши вакиллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раис ва маслаҳатчилари, меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Тadbir доирасида туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасаруфидagi мактаб кутубхоналари, ахборот ресурс марказлари жами 4580 дона турли адабиётлар билан бойитилди.

Н.МУРАТОВА,
вилоят ахборот-ресурс маркази директори



«МЕХР УЛАШИШНИ ЎРГАНДИК...»

Тақдир тақозоси туфайли ҳаётим Меҳрибонлик уйи билан боғланди. Мана, етти йилдирки, Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уй-мактабда таълим-тарбия оляпман. Бу масканда мен ва бошқа 140 нафар меҳрга ташна боланинг яшаши, таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ўтган йиллар давомидида ота-онамиз ўрнини босган меҳрибон тарбиячилардан, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчилардан, Меҳрибонлик уй-мактаби раҳбарларидан кўп нарсалар ўргандик. Ота-онамиз Меҳрибонлик меҳри улардан олдик, бошқаларга меҳр улашишни ўргандик. Ватанни се-

тилган зардўзлик, миллий каштачилик, рассомлик, рақс, дурадгорлик, кулполчилик каби бир қатор тўғарақларда хунар ўрганилди. Ушбу соҳаларда ташкил этилган тadbirлар ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келамиз. Хусусан, синфдошларим Хадича ва Кубаро Мирвафоевалар «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг ёш хунарманд» номинацияси бўйича фахрли 1-ўринни кўлга киритишди. Мактабимизнинг доирачилар ансамбли «Зарб-2012» вилоят танловида 2-ўринга сазовор бўлган бўлса, 6-синф ўқувчиси Хусан Каримов Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари орасида ўтказилган «Камалак жилоси» рес-

бўйича Самарқанд озиқ-овқат касб-хунар коллежида давом эттиришига тўғри келади. Бу масканда ажралиш, ота-онангдек қалбга яқин инсонларни ташлаб кетиш анча оғир бўлишини ҳозирдан ҳис қиляпман. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, инсон ўсади, улғаяди. Қачондир йирик бир оила ёки кичик бир Ватан бўлган Меҳрибонлик уй-мактабидан катта ҳаётга чиқиш лозим-ку, деб ўзимга ўзим таскин бераман. Йиллар давомидида мени ардоқлаган, таълим-тарбия берган устозларим меҳнатини оқлаб, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлишга интиламан.

Гулмира ЭГАМБЕРДИЕВА,
10-Меҳрибонлик уй-мактабининг 9-синф ўқувчиси

ТАРБИЯДА БЎШЛИҚ
БЎЛМАСИН!

Самарқанд шаҳридаги 54-умумтаълим мактабида ўтказилган ота-оналар йиғилишида ўқувчиларнинг уяли алоқа воситасидан фойдаланиш маданияти масаласи муҳокама этилди.

Етти нафар ўқувчининг кўл телефонидаги сурат, SMS ва видеолар кўздан кечирилганда...

Очиғи, баъзи суратларни таърифлашга тил о ж и з...

Ота-оналар қажиртирилиб, фарзанди кўтариб юрган қимматбаҳо матоҳнинг ичида нималар борлиги кўрсатилди. Кўл телефонида сўзлашишдан бошқасини билмайдиган айрим оналар телефон ортидаги «дахшат»лардан ҳайратланишди. Бир ўқувчининг онаси кизига кўл телефони олиб бермаганини айтди. Телефонга тўхтовсиз кўнги-

роқлардан маълум бўлдики, у йигитнинг совғаси экан...

Ўқув йили якунига етган бўлса-да, мактаб яқинидаги интернет кафе-ларни кўздан кечирдик. Буни қарангки, бир неча ўқувчимиз шу ерда бемалол компьютер уйнаб, томошабин бўлиб ўтирибди. Ҳаммасининг оилавий шароитини ўрганиб чиқдик.

Dolzarb mavzu

отаси йўқ ёхуд онаси хорижда, қариндошларидан бирининг қарамоғида қолган болалар экан. Шунинг учун хорижга чиқаётган ҳар бир фуқародан фарзандига вақтинча қараш учун васий тайинлангани ҳақидаги маълумотнома талаб қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Назокат ШЕРБОЕВА,
педагог

виш, унга содиқ фарзанд бўлиш муқаддас бурч эканини англадик. Энг муҳими, келажақда билим олиб, яхши касб эгаси бўлишни кўнглимизга турдик.

Меҳрибонлик уй-мактабида ташкил

Shukronalik

публика кўрик-танловида тасвирий санъат йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Яқинда 9-синфинг аъло баҳоларга битирдим. Энди қадрдон даргоҳимизни тарқ этишимизга, таҳсилни ўзим танлаган касб

КИТОБ ҲАҚИДА БЕШ
БИТИК

Ким бўлишингдан қатъи назар, китоб ўқи!

Биргина китоб отадек иродали, онадек меҳрибон бўлишни ўргата олади.

Болага машина эмас, китоб совға қилинг! Ана шунда фарзандингиз ўз «манзили»га эртaroқ етади.

Китоб — бойлик, муҳими, бу бойликни сендан ҳеч ким тортиб ололмағай.

Ватанни таниш, унга меҳр-муҳаббат қўйиш, аввало, китоб мутолаа қилишдан бошланади.

Қамаши тумани

Саодатли ОСТОНА

Саҳифани Моҳичехра ЛАТИПОВА тайёрлади.

**«БИР НЕЧА ХУНАРГА
ЭГА БЎЛДИМ»**

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежиди ўтказилган «Билиб қўйи, сени Ватан кутиди!» деб номланган тадбирда коллеж жамоаси, ота-оналар, маҳалла фаоллари, Ҳамза тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари, методик хизмат кўрсатиш маркази кадрлар бўлими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлар малякасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти вакиллари ҳозир бўлишди.

Жорий йилда мазкур таълим даргоҳини ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, тиббий ижтимоий ходим, бухгалтерия ҳисоби, кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш, бошланғич таълим мутахассисликлари бўйича 192 нафар ўқувчи битирди. Эндликда улар ўз севган касб-хунари асосида меҳнат фаолиятини бошлайди ёки ўқишни давом эттиради.

— Мен бошланғич таълим мутахассислигини тамомладим, — дейди Ҳанифа Маматқулова. — Биз бу ерда касб ҳамда 2-3та хунар эгаси бўлди. Мухими, Ҳамза туманидаги 23-умумтаълим мактабига ишга жойлашдим.

Битирувчиларнинг қарийб 70 фоизи уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилгани қувонарли ҳол. Бу кўрсаткич йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда ва ўтган йилга нисбатан 10-15 фоиз ўсиш кузатилган.

— Қизим тиббий-ижтимоий ходим бўлиб ишга қабул қилинди, — дейди Шаҳноза Нигматова. — Коллеж ўқувчининг нafaқат касб-хунар эгаси бўлишини таъминлайди, балки келгуси ҳаётга ҳам тайёрлайди. Тарбиячилик касби, бичиштиқчи хунари қизларга келажакда жуда асқотади.

**БИЗНЕС РЕЖАГА
17 МИЛЛИОН СЎМ
КРЕДИТ**

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежиди бўлиб ўтган «Оқ йўл, битирувчилар!» тадбирида ҳам битирувчиларга диплом ва фахрий ёрликлар топширилди. Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларга меҳнат фаолияти ҳамда олий ўқув юртларига ўқишга киришда муваффақият тилалди.

Айтиш жоизки, бу йил касб-хунар коллежини 439 нафар ўқувчи битириб, кичик мутахассислик дипломини қўлга олди. Улардан 41 нафари имтиёзли диплом соҳиблари.

— Коллежимиз йўналишларидан келиб чиқиб битирувчиларни иш билан таъ-

минлашда қийинчиликка дуч келингани йўқ, — дейди касб-хунар коллежи директори Ибод Сайдуллаев. — Улар мутахассислик дипломини олишлари биланоқ корхона ва ташкилотларга бориб, уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашади.

Эътиборлиси, битирувчилардан 3 нафари 27,4 миллион сўмлик кредит олиш имтиёзини қўлга киритган бўлса, улардан икки нафари ўз бизнес режасига кўра меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди.

Ойгул Жабборова, битирувчи:

— Касб-хунар коллежиди

**КЕЛАЖАККА ЯНА
БИР КАДАМ**

Фаргона ҳуқуқшунослик коллежи вилоятдаги энг намунали ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Айни кунларда коллежда бешта йўналиш бўйича 1407 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия берилади. Билим масканида барча фанлар, жумладан, ҳуқуқшунослик фани мукамал ўргатилаётгани боис ўқувчилар орасидан қўлаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда.

Юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиб, ўз иқтидори, ақлаковати билан юксак мар-

сифатида фаолиятимизни бошлашимиз мумкин. Мен эса келгусида Тошкент давлат юридик институтига ўқишга кириб, билимимни бойитмоқчиман.

Шу кун қўлига диплом олган коллеж битирувчиларининг барчаси ўзлари амалиёт ўтаган корхона ва ташкилотлар билан ишга жойлашиш бўйича шартнома тузишган. Улар келгусида ҳуқуқшунос сифатида фаолият юритиб, Ватан равнақи, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади.

**ИНСТИТУТ ВА ЛИЦЕЙ
ҲАМКОРЛИГИ**

Самарқанд давлат архи-

Qutlug' ostona

— Лицейда ўтган ҳаётим бир умр эсда қоларли бўлди, — дейди аниқ фанлар йўналиши бўйича битирувчи Сайёра Бахриддинова. — Боиси, мактабда эгаллаган билимларимизни янада бойитиш ва мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп изландик. Бунинг учун устозларимиздан миннатдормиз. Келгусида ҳам ўқиш ва изла-нишда давом этамиз.

Маросим давомида ҳуқуқ, иқтидори билан тенгдошларига ибрат бўлган бир гуруҳ битирувчиларнинг ота-оналарига академик лицей маъмурияти томонидан ташаккурномалар топширилди.

**МУСТАҚИЛ ҲАЁТ
САРИ**

Андижон вилоятидаги 129та касб-хунар коллежи ва академик лицейни жорий йилда 47025 нафар йигит-қиз тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Кун кеча ўрта махсус таълим муассасаларида битирувчиларга диплом топшириш маросимлари тантанали равишда ўтказилди.

— Мен ҳозиргина диплом олдим, — дейди Андижон шаҳридаги маиший хизмат касб-хунар коллежининг машинасозлик ва автоматлаштириш мутахассислигини тамомлаган Шохруҳбек Ўсarov. — Эртадан «ЎзДонг ЯнгКо» қўшма корхонасида иш бошлайман. Мақсадим — ўз меҳнатим билан ўзбек автомобилсозлиги ривожига ҳисса қўшиш.

Марҳамат хизмат кўрсатиш ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежини битираётган 472 нафар ўғил-қизнинг барчаси уч томонлама шартнома асосида иш жойларига эга бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган диплом топшириш тантанасида Андижон давлат университети доценти Ш.Абдуллаев, коллеж ота-оналар қўмитаси раиси М.Эргашев сўзга чиқиб, битирувчиларга оқ йўл тилалди.

Марҳамат қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Нурхон Райимов ва диплом топшириш маросимида битирувчилар номидан сўз олиб, устозларга, касб-хунар эгаллашлари учун қўмаклашган барча мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган диплом топшириш маросимларидан сўнг мутахассислик эгаси бўлган қўлаб ёшлар ўз иш жойи томон йўл олдилар.

Олимжон ЖУМABOEВ,
Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
Баҳодиржон ШОКИРОВ,
Ҳаким ЖўРАЕВ,
Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари
Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.

**ОРЗУЛАРИ ОЙДИН
ЁШЛАР**

2012 YIL
MUSTAHKAM OULA YILI

Жорий ўқув йили якунида республика-ми-даги 1537та ўрта махсус, касб-хунар таъли-ми муассасаларини 535400 нафар ўқувчи та-момлаб, катта ҳаётга йўлланма олди. Мух-бирларимиз жойларда бўлиб, ўқувчилик дам-ларида ҳам назарий, ҳам амалий билим ол-ган, касб-хунар эгаллаб катта ҳаётга кириб бораётган ёшларнинг ҳаяжонларига шерик бўлиб қайтишди.



ўқиб, амалиёт кезларидаёқ қандолатчилик билан шуғуллана бошладим. Бизнес режа асосида «Ипотека» банкнинг вилоят бўлими-дан 17 миллион сўм кредит олдим. Ҳозир тенгдошларим билан турли қандолатчилик маҳсулотларини иш-лаб чиқармоқдамиз. Юр-тимизда, ёшлар учун яратила-ётган қулайликлардан беҳад хурсандмиз. Бунинг учун, энг аввало, Президентимиз-га миннатдорлик билдира-миз.

Баҳодир Раимов, бити-рувчи:

— Асарачилик билан шуғулланаётган тадбиркор-ларга ҳавасим келарди. Бу-гун шу орзуим рўёбга чиқа-ётир. Марказий банкнинг Қарши бўлимидан 5,2 мил-лион сўм имтиёзли кредит олиб, иш бошладим. Яқин йилларда минг дардга даво шифобахш маҳсулот салмо-гини ошириб, элимиз дас-турхонининг тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўишни ни-яат қилганман.

раларни эгаллаётган истеъ-додли ёшлар — Шаҳноза Раимова, Жаҳонгир Султо-нов коллежини имтиёзли дип-лом билан битирди. Жаҳон-гир шу йил ҳуқуқшунослик фани бўйича республика олимпиадасида муваффақи-ят қозонди. Шаҳноза эса 2011 йил ёш ижодкорлар учун ташкил этилган «Истеъ-дод» кўрик-танловида наср йўналиши бўйича голиблик-ни қўлга киритди.

Мазкур таълим муассаса-сини тамомлаётган 609 на-фар йигит-қизга диплом топшириш маросими шаҳар марказидаги Аҳмад ал-Фар-ғоний маданият ва истиро-хат боғида бўлиб ўтди. Тан-танали маросимда ўрта мах-сус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси, вило-ят прокуратураси вакилла-ри иштирок этди.

— Биз чинакам бахтиёр авлодмиз, — дейди бити-рувчи Жаҳонгир Султонов. — Президентимиз биз ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. Эн-диликда кичик мутахассис

тектура-қурилиш институти қошидаги 1-сонли академик лицейда ҳам битирувчилар-га диплом топшириш маро-сим байрамона руҳда ўтди.

— Муассасамизда аниқ фанлар, техника, иқтисоди-архитектура-дизайн, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ҳамда табиий фанлар йўналиши бўйича ёшларга таълим-тарбия бе-рилади, — дейди академик лицей директори Раҳмон Сафаров. — Ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкам-лаш, таълим самарадорли-гини ошириш бўйича Сам-ДАҚнинг физика-матема-тика, инглиз тили, ранг-тас-вир ва чизмачилик кафедралари билан узвий алоқа-лар ўрнатилган. Мазкур ка-федраларнинг ўқитувчи-профессорлари лицейимиз ўқувчиларига билим бериб боришади. Жорий йилда мазкур ҳамкорлик самара-сидан баҳраманд бўлган 125 нафар ўқувчи лицейни битирмоқда.

Бакалаврият шуниси билан аҳамиятлики, талабанинг илмий-тадқиқот ишига иштиёқини ўстиради, касбий билим бериб, кўникмасини оширади, реал талаб асосида кадр тайёрлайди. Илм эгаллашни асосий мақсад деб билган ёшларнинг мустақил билим олиши ва уни амалиётда қўллаш малакасини шакллантиришда, интеллектуал салоҳиятини ўстиришда, ҳар жиҳатдан камол топишда бакалаврият даври муҳим аҳамият касб этади. Мавзу юзасидан тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институтида олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик.

Таълим жараёнини такомиллаштириш ва амалиётчи талабани касбга йўналтириш, пухта билим ва кўникмага эга бўлишини таъминлаш учун Тошкент давлат шарқшунослик институтида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида му-

Кўрииб турибдики, институтимизнинг изчил ва тизимли равишда ривожланиб бориши учун кучли илмий-педагогик салоҳият мавжуд. Таълим масканимизда тайёрланган кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам юқори. Битирувчилар турли жабҳаларда хизмат қилмоқда. Айни пайтда институт битирувчилари мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда, турли хорижий фирмалар, қўшма корхоналар, элчиноналар ва консулликларда ишляпти. Институтимизда талабалардаги ил-

биётлари мавжуд, — дейди АРМ директори Марғуба Йўлдошева. — Марказнинг 3та абонент бўлими ва 13та ўқув хонаси, 100 ўринга мўлжалланган замонавий махсус интернет хоналари профессор-ўқитувчилар ва талабалар хизматида. Замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган АРМнинг электрон китоб фондида институт дурс жараёнида ўқитиладиган ва ихтисослик фанларидан яратилган 120дан ортиқ электрон ўқув-услубий мажмуалар киритилган. Жумладан, намунавий ишчи дастур, маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, таълим технологиялари, рейтинг ишланмалари, мустақил ишлар, назорат саволлари, тестлар, лугатлар ҳамда тақдирот материаллари ўрин олган.

Таълим самарадорлиги йўлида

Институт кафедралари қўшида ҳам кутубхоналар ташкил этилган. Мазкур кутубхоналар фондида 10 мингдан

институтдан қўлаб давлат стипендиантлари ва республика, халқаро фан олимпиадалари ғолиблари етишиб чиқмоқда.

Бакалаврнинг йиллик режаси

Талабанинг илк таълими кейинги илмий ишларида қандай ўрин тутати? Қизиқишга мос йўналиш топиш ва ўз устида ишлаш қандай самара беради?

— Бакалавр давридаёқ илмий иш билан шугулланишга қарор қилдим ва араб адабиётини ўргана бошладим, — дейди Шарқ филологияси ва фалсафа факультети магистранти Хулқар Сулаймонова. — Эътиборимни жалб этган ижодкорлардан бири Миср шоири Фаруқ Жувайда эди. Ишимни шоир шеърларини ўзбек тилига таржима қилишдан бошладим ва ўзбек шеърини таржима қилишга қарор қилдим. Унинг ижодида замон ва макон бирлиги, асосий маъно инсон тақдири экани ҳақида бир неча илмий мақолалар эълон қилдим. Изланишлар

Олий та'лим

талабанинг бакалавр ёки магистр эканига қараб эмас, айнан касбий билим ва кўникмани пухта ўзлаштирганига эътибор қаратилади. Бакалавр даврининг қадрига етиб ўқиган ва зарур билимларни ўзлаштирган талабага иш топишда муаммо бўлмайди.

— Мен Шахрисабз педагогика коллежига ишга жойлашдим, — дейди битирувчи Жасур Сулаймонов. — Бунда ҳеч бир қийинчиликка дуч келмадим. Таълим жараёнидаёқ институт қўшидаги Олмазор академик лицейида педагогик амалиётни ўташ чоғи ўқитувчи Собир Болтаевдан илғор тажрибаларни ўргандим. Амалий ўтаган жойим ва институт тавсияномасига биноан икки томонлама шартнома асосида ишга қабул қилиндим.

"Сифат ҳайъати"

Институтда таълим жараёнини синовдан ўтказиш мақсадида "Сифат ҳайъати" ташкил этилган. Ҳайъат аъзолари белгиланган ҳафтада асосида институт профессор-ўқитувчиларининг дурс машғулотларини кузатиб боради ва ой якунлари бўйича аниқланган камчиликларни таҳлил қилади. Уларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар ҳамда педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар беради. Бу дурс жараёнига ҳам ижобий таъсир қўрсатиб, ўқитувчининг талабалар билан ишлаш кўникмасини шакллантиради. "Сифат ҳайъати" асосан бака-

БАКАЛАВРИЯТ БОСҚИЧИ

талабанинг келажagini белгилайди

айян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб, олий ўқув юртида 11та бакалаврият таълим йўналиши ва 16та магистратура мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Институтнинг барча таълим йўналишларида 20га яқин хорижий тиллар, жумладан, араб, форс, япон, хитой, корейс, дарий, лувтун, хинд, урду, турк, индонез, малай, вьетнам, уйғур каби шарқ тиллари билан бирга инглиз, немис, француз, испан, рус тиллари мукамал ўргатилади. Талабаларнинг фундаментал касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш, корхона ҳамда ташкилотларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мукамал билимга эга кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқиш ва амалиёт уйғунлиги ташкил этилган. Касбий мотлашувчанлик жараёнининг босқичма-босқич олиб борилаётгани етук мутахассис кадрлар тайёрлаш имконини яратмоқда.

Талабани тоблайдиган давр

— Бугунги кунда институтимизда фаолият юритаётган Шарқ филологияси ва фалсафа, Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари, жаҳон сийасати ва тарихи, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультетларида таҳсил олувчи 2000дан ортиқ талабага 300 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар дурс бериб келмоқда, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Икром Бултоков. — Уларнинг 40 нафари фан доктори ва профессор бўлса, 100 нафардан ортиги фан номзоди, доцент.

мий салоҳият ва очилмаган қирраларини юзага чиқариш, истеъдод ва имкониятларини намойён этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бакалаврлик босқичини талабани ҳар жиҳатдан тоблайдиган даврга қийслашимиз мумкин. Негаки, таълим жараёни магистратурада биров мурракбашади ва бунда дастлабки эгалланган билим асқатади. Иккинчидан, талабанинг кейинги фаолиятида, айтиялик, у магистратура босқичида таълим олмаса ҳам, ўрганган билим ва эгаллаган касбий кўникмаси энг яқин ҳамроҳи бўлади. Шу маънода бакалаврият ўқув режасида малакавий амалиёт соатлари катта қисмини ташкил этади ва бу ўқув жараёни билан узвий тарзда олиб борилади.

250дан ортиқ қўлланма тайёрланди

Етук мутахассис кадрлар етиштириш учун, аввало, таълим масканини ўқув қўлланмалари билан таъминлаш муҳим. Қўлланма ва дарсликлар замон талабларига жавоб бериши ўқув жараёни модернизациялашувига кенг имкон яратади.

Институт профессор-ўқитувчилари муаллифлигида ўқитишнинг янги, истиқболли технологияларига таянган ҳолда 250дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилди. Бундай саъй-ҳаракат натижасида дурс жараёни ахборот-ресурс воситалари билан бойитилишига эришилмоқда.

— Ахборот-ресурс марказида Шарқ тиллари ва адабиёти, тарихи, фалсафаси, иқтисоди, маданияти ва сийасати оид 200 мингдан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ва ўқув ада-

ортиқ китоблар, қўлланмалар мавжуд. Улар Хитой, Япония, Ҳиндистон, Корея, Индонезия, Вьетнам ва бошқа бир қатор давлат элчиноналари ҳамда тил ўргатиш илмий марказлари томонидан тақдим этилган. Шарқ мамлакатлари бўйича ўқув, бадиий ва илмий адабиётлар, соҳага оид янги маълумотлар интернет орқали дурс жараёнига татбиқ қилинмоқда. Табиийки, бу талабаларнинг жаҳон тажрибасини тез ўргатиши ва ўзлаштиришига имкон яратаяпти. Бундан ташқари, янги ахборотлар профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар томонидан аспиятдан таржима қилиниб маълумотлар базаси янада кенгайтирилмоқда. Хусусан, Корея Республикаси билан ҳамкорликда олий ўқув юртида замон талабларига мос рақамли электрон кутубхона яратилаётгани талабалар учун яна бир имконият бўлди.

— Институтимизда иқтидорли талабалар маркази фаолияти йўлга қўйилган, — дейди иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази бошлиғи Диллафруз Абдуллаева. — Илмий салоҳияти юқори талабалар ўз устида тимисиз ишлаб, танлаган ихтисослиги бўйича илмий иш олиб бормоқда. Шарқ мамлакатлари адаблари ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, жаҳон сийасати ва иқтисодиётига қизиқувчилар анчагина. Иқтидорли талабалар бакалаврликнинг илк давридаёқ бирор бир мавзу бўйича аввал курс ишлари устида жиҳдий ишлайди ва бу кейинчалик битирув малакавий ишининг асосини ташкил этади. Талабалар тайёрлаган материалларини илмий-амалий конференция ва анжуманларда ҳимоя қилиб, тажриба орттиради. Шу тарика



натижасида шоир шеърини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар беради. Бу дурс жараёнига ҳам ижобий таъсир қўрсатиб, ўқитувчининг талабалар билан ишлаш кўникмасини шакллантиради. "Сифат ҳайъати" асосан бака-

лаврият босқичига эътибор қаратиши ҳам таълим сифатини янада яхшиламоқда. Ҳар ҳафтада тажрибали мутахассислар иштирокида очик дурслар уюштирилади. Сифат ҳайъати дурс жараёнини кузатиш билан бирга, малакавий амалиёт давридаги ишлар билан ҳам танишади, бaho беради.

Институтни жорий йилда 447 нафар талаба битиради. Улар давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳудудий талаб ва кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишга жойлаштирилмоқда. Аксарият талабалар амалиёт давридаёқ ишончли қозониб, ишга тақлиф этилаётган.

Талабаликнинг илк даври — бакалавриятда вақтдан унулиб фойдаланиб, тимисиз изланиб, пухта билим олган инсон ҳаётда ҳеч ҳам афсусланмайди. Бу даврининг қадри олтинга тенг. Бакалаврият келажакка йўлди.

Олим ЖУМАОЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Диплом эмас, малака муҳим

— Магистратура таълими академик босқич, яъни кўпроқ илмий-тадқиқот ишига йўналтирилган, — дейди Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Собир Кутбидинов. — Шунинг учун асосий эътибор илмий фаолиятга йўналтирилади. Ишга қабул қилувчилар ҳам

Бу масала хусусида сўз юритишдан аввал муҳим бир омилга эътиборни қаратмоқ лозим. Театр санъатида (фикримизча, санъатнинг бошқа турларида ҳам) томошабинларни шартли равишда икки тоифага бўлиш мумкин: фаол томошабин ва тасодифий томошабин.

Фаол томошабин театри санъатининг чинакам муҳлиси. У доимо театр оламидаги ўзгаришларни кузатиб боради. Бу оламда содир бўлаётган воқеа-ходисалар, ангилликларга ўзининг жиддий муносабати бор. Кўзга кўринган режиссёрлар, актёрларнинг ижодий тархимаи ҳолидан яхши хабардор. Театрда ҳадемай қанақа янги саҳна асарларининг премьераси кутлаётганини ҳам жуда яхши билади. Улардан айримлари ҳатто республикаимиз маданий ҳаётида иштирок этишни ният қиладилар, театр олами янгиликларига оммавий ахборот воситаларида муносабат билдиришга интиладилар.

Тасодифий томошабин эса, ўз номи билан қандайдир тасодиф туйғайли театрға келиб қолган: балки дўстларининг «юр-юр»и туйғайли, йўқса, кимдир чипта совға қилгани боис, ҳуллас, у бирон-бир сабаб билан театрда пайдо бўлади. Унда театр санъати хусусида бошланғич билимнинг ўзи йўқ. Бунга эришиш учун интилмайди ҳам. Бугун нима-ни кўрсатишса, шундан мурод ҳосил қилиб кетаверади. Театрдан чиққанидан кейин, умуман, дунёда театр деган томошахона борлигини мутлақо эсимдан чиқариб юборади.

Сиз фаол томошабин бўлишга интилинг. Агар театрға бормоқчи бўлсангиз, бироз бўлса-да, тайёргарлик қўришни назарда тутинг. Қандай спектакль намойиш этилади, у қайси муаллиф асари асосида саҳнага қўйилган, ўша муаллиф ижодий оламини ўрганишга ҳамда унинг спектаклга асос бўлган асари сюжети, гоёвий мазмунини билиб олишга вақтингизни аманг. Ана шунда сиз асар воқеалари ва унда қатнашувчи персонажларни қандай кўз олдингизга келтиргансизу театр санъаткорлари бунга қай йўсунда томошабин эътиборига ҳавола қилган — театрдаги талқин ва ижрон тасаввурингиздаги воқеалар, образлар билан қийсал бўлайсиз. Бу борадаги тафовут ва ўхшашликларни мулоҳаза қилиб, чинакам саҳна ҳақиқати нимада эканлигини идрок этасиз. Спектакль ижодкорлари: режиссёр, актёрлар, рассом ҳақида ҳам керакли маълумотларни билиб олсангиз нур устига нур бўлади. Ана шунда театрдаги ижодкорлар савиясини билиб оласиз, уларнинг билими, қобилияти, маҳоратини баҳоли қудрат баҳолаш имкониятига эга бўласиз. Шу асосда сизда театр санъатиға, спектаклга ўз муносабатингиз шакллана боради.

Базилда шундай ҳолатнинг гувоҳи бўламизки, ўқувчи ва мураббийлар ўқувчилар эътиборига қандай спектакль ҳавола этилишини маълум қилмай уларни театрға бошлаб келади. Бу тўғри эмас. Аслида қандай спектакль кўрсатилиши хусусида ўқувчиларга камида уч-тўрт кун илгари маълумот берилиши лозим. Ана шунда театр санъати-

га қизиққан, иштиёқманд болалар, бироз бўлса-да, тайёргарлик қўришга улгуришлари мумкин. Агар спектакль янги, замонавий асар асосида саҳнага қўйилган бўлса-у, уни ўрганиш учун материал топа олмасангиз, эринманг, вақт ажратиб бирон кун аввал театрға бориб, ўзингизни қизиқтирган саволларға жавоб топишга ҳаракат қилинг. Ёш томошабинлар театрининг адабий эмакдоши ҳамда театрдаги ёш томошабинлар билан ишлашга масъул этиб тайинланган педагоглар сизларни бажонидил қутиб олишди ва кўнглидагидек хизмат кўрсатишди.

Яна бир муҳим гап. Мактаб-гача ёшдаги болалар ва мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларини ота-оналардан ёхуд бува-бувалардан, ҳуллас, оиланинг катталаридан бирор-

мол-мулкка эга чиқади. Тўнғич ва ўртанча қизлари устамонлик билан катта улушни қўлга киритадилар. Навбат учинчи қиз — Лирнинг суюқлики, эркатойи Корделияға келганда у самимият билан: «Отажон, мен сизни бир фарзанд ўз отасини қанчалар севсам, шундай севаман. Ундан кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас», деб жавоб беради. Корделиянинг бу жавоби Лирға ёқмайди. У жазаваға тўшиб, қизидан воз кечади. Унга аталган улушни ҳам тўнғичи Гонерия ва ўртанча қизи Реганаға бўлиб беради. Ана шу дастлабки кўринишнинг охирида саҳна тепасига ўрнатилган, жуда катта қилиб ишланган дабдабали қироллик тожи саҳнаға қулаб тушади ва иккига бўлиниб кетади. Бу тимсол билан рассом нимаға ишора қилмоқчи? Қироллик иккига бўлиниб, Лирнинг тўнғич ва

чиқиб актёрларға кўрсатмалар беради.

Хато ва нуксондан ҳеч ким холи эмас. Баъзида режиссёр ҳам адашиши мумкин. Ана шунда режиссура жараёниға актёрлар ҳам аралашиб кетадилар. Қизгин баҳс ва мунозаралар натижаида бир тўхтама келадилар. Ҳатто рассом ҳам бевосита режиссёр билан бамаслаҳат иш қилади. Спектаклнинг саҳна безаклари, муסיқаси, актёрларнинг либослари, грим, ҳуллас, ҳамма-ҳаммаси режиссёр тасдиқидан ўтиши лозим. Шу боис спектаклнинг бирорта кемтик жойи бўлса даставвал режиссёрға даъво билдирилади. Кўриниб турибдики, томоша давомида режиссёр саҳнаға чиқиб томошабинларға кўринмаса-да, бутун бошли яхлит спектакль унинг ижоди ҳисобланади.

СПЕКТАКЛНИ ҚАНДАЙ ТОМОША ҚИЛИШ КЕРАК?

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Спектаклни томоша қилишда нималарға эътибор бериш лозим?

таси олиб келиб, маданият маскани деб аталмиш бу даргоҳ, театр санъати билан боғлиқ бошланғич тушунчалар ҳақида зарур маълумотларни беришлари лозим. Бундан ташқари, томоша давомида ҳам болага ҳамроҳлик қилиб, спектаклни қандай диққат билан кўриш лозимлигини ўқдиришлари, спектаклни тушуниб томоша қилишлариға ҳар томонлама кўмаклашишлари керак бўлади.

...Парда очилади. Томошабин нигоҳини даставвал саҳна сатҳига қурилган декорация (саҳна безаклари) ўзига жалб этади. Агар асар сюжетида хабардор бўлсангиз, декорация мазмунини ўқиб олишға ҳаракат қилинг. Аксариат ҳолларда декорация иллюстратив характерға эга бўлиб, воқеалар ўз берадиган жойини акс эттиради. Бироқ ана шу декорацияда асарнинг гоёвий мазмунига ишора тарзида хизмат қилувчи рамалар, тимсоллар, белги ва деталлар бўлиши мумкин. Эҳтимол, сиз бунга дарҳол илғаб ололмасангиз. Воқеалар ривожини давомида эса, ҳаммасини бирма-бир тушуна борасиз. Шекспирнинг машҳур «Қирол Лир» трагедияси кўпчилиқка яхши таниш. Бу асар асосида яратилган бир қанча спектаклларни, машҳур «Қирол Лир» фильмини ҳам кўрган бўлишингиз керак. 1966 йили Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театрида (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) саҳнаға қўйилган «Қирол Лир» спектакли декорациясидаги муҳим бир тимсолаға эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ёдингиздами, дастлабки кўриниш қирол қароргоҳида содир бўлади. Қирол Лир ўз қўл остидаги давлатни учта қизига бўлиб бермоқчи. Лирнинг шартига кўра, қайси бир қизи уни кўпроқ яхши кўрса, шунча кўп

ўртанча қизи қўлиға ўтди. Рассом бу тимсол орқали бунинг оқибатида келиб чиқадиган кескин тўқнашувлар, аёвсиз зиддиятлар, қажатқич курашларға олдиндан ишора бермоқда.

Ёки ҳаммангизға таниш бўлган «Келинлар кўзголини» спектаклини олайлик. Бу спектаклнинг саҳна безаклариға ҳеч эътибор берганимиз? Ҳовли ўртасига қурилган катта айвоннинг томини фақат битта устун кўтариб турибди. Катта томи фақат битта устун кўтариб турганини қарда кўргансиз? Бу билан рассом Георгий Брим нима демоқчи? Албатта, 56 киши истиқомат қиладиган катта бир хонадоннинг бош соҳибни, оиланинг таянчи Фармонбибига ишора бу! Фармонбининг тимсоли сифатида катта маъно ва мантиқ касб этувчи устун бу! Яна унга Фармонбининг марҳум умр йўлдоши Азим Шернинг портрети олиб қўйилган. Бундан келиб чиқадиган маънони ўзингиз ўқиб олаверинг. Саҳнани безанинг яна бошқача услуб ва йўналишлари ҳам бор. Бироқ ҳозирча сиз, юқорида келтирилганидек, иллюстратив характердаги саҳна безакларини «ўқиш»ни ва бунинг замирида саҳна мусаввири етказмоқчи бўлган фикрларни англаб олишни ўргангансиз шунинг ўзи кифоя.

Энди эътиборимизни спектаклнинг режиссурасига қаратамиз. Спектаклни яратишда режиссёр биринчи ва асосий ижодий шахс ҳисобланади. Негаки, бутун бир яхлит асарнинг саҳна талқини режиссёрнинг нуктаи назарига асосланади, у шу асарда қасб этувчи бутун воқеликни қандай тасаввур қилса, асар саҳнада шундай ифода топади. У шу асосда репетициялар олиб боради, репетиция жараёнида ана шу нуктаи назардан келиб

Актёрлар ижросига келсақ, бунга ўзингиз яхши билсангиз керак: қайси актёр ўз ижроси билан сизнинг қалбингизға чуқур кириб борса, ҳиссиётларингиз, дилингиз ва ақлингизға кучли таъсир қилса, ўша актёр қобилияти, катта маҳоратға эга санъаткор ҳисобланади. Шу ўринда актёрлик санъати хусусида бироз тўхталиб ўтиш керак. Айрим-айрим давлатларида актёрлик маҳорати «тасаввур санъати»ға асосланади. Бунинг маъноси нима? Актёр саҳнаға чиқар экан, у ўзи ижро этмоқчи бўлган образни тасаввур этиши ва шу асосда хатти-ҳаракат қилиши, томошабинни кузатувчи ҳолатига солиши лозим. Бизда эса, актёрлик маҳорати «кечинма санъати»ға асосланади. Актёр саҳнаға чиқар экан, том маънода ўзига топширилган образ ҳаётини бошдан кечириши, унинг ички оламидаги барча кечинмаларни томошабинға тўлиқ ва таъсирчан етказиб бериши, мухлисларни ҳамдардлик ҳолатига сола олиши лозим. Бир сўз билан айтганда, ўша образ ҳаётининг бир бўлагини бошдан кечириши, саҳнада яшаш шарт. Машҳур актриса Фаина Раневская шундай деганди: «Ижро этиш. Бу иборани жиним севамайди. Раққослар ижро этсин, соҳнадалар ижро этсин. Актёр эса, саҳнада яшаш шарт!». Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, орангизда айрим «Образға тегишли матнни ёдлаб олсанг, бас, саҳнаға чиқиб ролни ўйнайверсанг бўлади» деган ҳаёлға борувчилар катта хато қиладилар. «Актёрлик санъати» дея бежиз айтилмаган. Бинобарин, бу санъат замирида улкан назарий ва амалий билимлар мужассам эканлигини ёдингиздан чиқарманг.

Спектаклда иштирок этувчи асосий қаҳрамонларға тикил-

San'at va siyrat



ган либослар ва грим хусусида ҳам муҳтасар тўхталиб ўтиш зарур. Либослар ва грим даставвал рассомлар чизган эскизларда намён бўлади. Уни театр бадийи кенгаши кўриб чиқиб, тегишли тузатишлар, тақлиф ва мулоҳазалар билдириши мумкин. Ана шу мулоҳазалар эътиборға олиниб, эскизлар тугал ҳолға келтирилган, уларни бичиш-тиқиш ва грим цехиға топшириб, ишлаб чиқаришға тавсия қилинади. Бу жараёнда, юқорида қайд этилганидек, бўлажак спектакль режиссёрининг фикрлари жиддий эътиборға олинади. Сиз либослар ва гримға эътибор қаратар экансиз, куйидаги омилларни назарда тутинг: булар образнинг ёши, феъл-атвори, юриш-туриши, ўзини тутуши, дунёқарашини, атрофдагиларға муносабатини тўлдиршға, айнан шу қаҳрамон моҳиятиға эътибор беришға хизмат қиладими? Либослар ва грим спектаклнинг бошқа компонентлари қатори образнинг яхлит воқелик замиридаги аҳамиятини очишда муҳим ифода воситаси бўлиши керак. Бундан ташқари, спектакль тарихий шахслар ҳаётиға бағишланган (масалан, атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳаёти ҳақида) бўлса қиёфа ўхшашлигиға қанчалар аҳамият берилган ва бунга қай даражада эришилганлигиға диққатингизни қаратишингиз мумкин.

Улуғ композитор Глинка: «Муסיқани халқ яратади. Биз унга фақат сайқал берамиз», деган эди. Ана шу фикрингиз нақадар ҳаққонийлигини фақат театрға келиб ҳис қилишингиз мумкин. Муסיқа жуда катта қудратға, беқиёс кучға эга ифода воситасидир. Театрда сиз муסיқанинг куйидаги жиҳатлариға эътибор қаратинг: у саҳна асари ўз ичига олган воқеалар мазмун-моҳиятини етказишға, қаҳрамонларнинг муайян вазиятдаги руҳий ҳолатини очиб беришға қодирми? Муסיқа спектакль таъсирчанлигини оширишда нечоғли аҳамият касб этган? У айнан ана шу спектакль учун композитор томонидан махсус ёзилганми ёхуд сайланма муסיқалар мажмуидан иборатми? Агар бастакор томонидан махсус ёзилган янги, оҳори тўқилмаган муסיқа бўлса, у сизда қандай таассурот қолдирди? У чиндан ҳам ана шу спектаклга мосми? Шу нуктаи назардан ёндашсангиз, мулоҳаза юритсангиз, сизға жуда кўп нарсалар ойдинлашади.

Театр санъати ҳақида сизларға айтмоқчи бўлган гапларимизнинг дебочаси ана шулардан иборат.

Санъатнинг бу тури ҳақида сизға айтишимиз зарур ҳамда шарт бўлган кўп ва ҳўп гапларимиз бор экан. Юқоридаги фикрларни қайд этиш жараёнида биз бунга қайта-қайта амин бўлдик. Балки мазкур газета саҳифалари орқали яна дийдор кўриши насиб қилар, ана шунда сизлар билан бафуржа гаплашиб олишга, айтишға улгурмаган фикрларни биргаликда баҳам кўришға мушарраф бўлармиз.

Фарход ФАЙЗИЕВ,
театршунос

Ёз ойининг қуруқ ва иссиқ кунларида одатда чанқоқни қондириш учун турли чанқовбосди ичимликлар кўп истеъмол қилинади. Одамларнинг аксарияти бу ичимликлардан бўшаган идишларни дуч келган жойга—шаҳар кўчаларига, тоғ ёнбағирларидаги дам олиш жойларига улоқтириб кетади. Одамларнинг табиатга, атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан бундай эътиборсизлиги шунчаки изсиз кетмайди, албатта. Ахир чиқиндилар уюми — касалликлар ўчоги, деб бежиз айтишмайди. У қанча кўп туриб қолса, салбий оқибатлари ҳам шунча кўпаяди, пировардида аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғилади...



ҚАЛДИРГ'ОЧГА БЕШИК АЙВОНЛАР



доим ораста ва покизалиги билан машҳур

Маълумотларга кўра, биргина Европа мамлакатларининг ўзида ҳар йили 9 миллион тонна макулатура, 1,5 миллион тонна қора ва рангли металл, 2 миллион тонна полимер материаллар, 20 миллион тонна озик-овқат маҳсулотлари чиқиндилари, 0,5 миллион тонна ойна, ва рангли шиша маҳсулотлари қайта ишлаш учун керакли қорхоналарга юборилмай, ерга кўмиб юборилар экан.

Ачинарли томони шундаки, бугун заминимизнинг минглаб гектар қисми чиқиндиҳоналар учун ажратилган. Бунинг устига, минглаб ана шундай майдонлар аллақачон тўлиб бўлган. Янги чиқинди майдонларини тайёрлаш эса кўплаб ривожланган мамлакатларда жиддий муаммо бўлаётди. Боиси аҳоли сонининг кўпайиши ва урбанизация жараёни туфайли шундоқ ҳам бўш ер тобора тақчил бўлиб бораётган даврда экология учун кескин хавф туғдирувчи бундай ҳудудлар сонининг ортиши одамлар саломатлигига жиддий путур етказди. Айниқса, айрим мамлакатларда чиқиндиҳоналар ҳудуди сув хавзалирига қадар етиб боргани аянчлидир...

Шунинг учун ҳам чиқиндиларни қайта ишлаб, янги турдаги хом ашё яратиш технологиясини қўллаб-қувватловчи мамлакатлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада етакчи саналган Европада аллақачон «чиқинди менежменти» деган тушунча пайдо бўлган. Японияда эса бу тадбиркорликнинг энг фойдали тури сифатида қўллаб-қувватланади, заводлар чиқиндиларни хом ашёга айлантириш эвазига ҳам миллиардлаб дармад олади, ҳам экология софлигини таъминлашга бемисл даражада ҳисса қўшади.

Чиқиндини қайта ишлаш — бу ишлаб чиқарилган маҳсулотга қайта ишлов бериб, ундан янги фаолият тури учун фойдаланишидир. Бу жараёнда ишлаб чиқарилган маҳсулот ё бошқа қорхонага юборилади, ё ўша маҳсулотни ишлаб чиқарган қорхонага хом ашё сифатида қайтарилади. Масалан, бугунги шароитда ойна, қоғоз, алюминий, асфальт, темир, турли газламалар ҳамда пластик маҳсулотларнинг айрим турларини қайта ишлаш кенг тарқалган. Чиқиндилардан ишланган хом ашёнинг афзаллиги жи-

ҳатларидан бири шуки, ундан янги маҳсулотни тайёрлаш анча арзонга тушади.

Шуни эслатиб ўтиш кераки, айна пайтада хонадонлардан чиқадиган чиқиндилар маҳсул қорхоналарга етказилиб, қайта ишланади. Буларга: шиша идишлар, металл банкалар, картон, қоғоз, пластик маҳсулотлар, ойна, батареякалар, рангли металллар, полистирол (изоляциялик хусусиятига эга бўлган ва асосан электр саноатида ишлатиладиган пластик масса), органик чиқиндилар, турли матолар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича дунёда Германия етакчилиги қилиб келмоқда (48 фоиз). Немислар чиқиндиларнинг атиги 34 фоизини ёқиб юборишади. Швеция ва Швейцарияда эса бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этади. 2001 йил охирига келиб, биргина Германиянинг ўзида чиқиндиларни қуйдириш орқали олинмадиган янги маҳсулот тайёрловчи заводлар сони 61тага етган. Бугунги кунда эса шундай мақсадга йўналтирилган яна 12та завод ишга туширилмоқда.

Европа мамлакатларида батареякаларни қайта ишлаш устида турли илмий-техникавий тадқиқотлар ҳам олиб боришмоқда. Жараёнда дастлаб батареякаларни қайта зарядлаш имконияти бор ёки йўқлиги аниқланмоқда. Яроксиз батареякалар йиғиб олинган, улар қандай турга мансублигига кўра тегишли қайта ишлаш заводлари, масалан, ишқорли батареякалар Буюк Британияга, никель-кадмийли батареякалар эса Францияга юборилади.

Нидерландиялик олимлар чиқиндиларни қайта ишлашга доир янги технологияни ишлаб чиқишди. Унга кўра, чиқиндидан керакли маҳсулотни ажратиш олиш, уни тозалаш ва қайта ишлаш бир тизимда олиб борилади. Мазкур янги технология ҳар хил турдаги (тиббий ёт, ҳўжалар ва техника соҳаларига оид) чиқиндиларни қайта ишлайди. Ишлатиб бўлинган маҳсулот аралашмалардан, зарарли воситалардан, ранг ва бошқалардан тозаланади ҳамда у хом ашёга айлантири-

лади. Сўнгра иккинчи бор истеъмолга тортилади.

Инглизлар эса ҳозирда кенг тарқалган CD, DVD дискларни, яроксиз ҳолга келган болалар ўйинчоқларини, шунингдек, эскирган мебель жиҳозларини маҳсул қайта ишлаш қорхонасига юборишади. Оғир юкларни керакли манзилга етказишни ўша қорхона ўз зиммасига олади.

Бундан ташқари, Англиянинг айрим ҳудудларида чиқиндини маҳсул қайта эмас, дуч келган ерга ташлаган кишиларга жарама солинади. Ундан йиғилган маблағ атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш чора-тадбирлари учун сарфланади. Масалан, ўз турар жойи атрофини «чиқитхона»га айлантирган инглиз энг камидан 116,69 фунт стерлинг миқдорида жарама тўлайди.

Бугунга келиб, Буюк Британияда чиқитларни қайта ишловчи 25та завод мавжуд. Бироқ ҳукумат ақин йилларда яна 64та заводни ишга туширишни мўлжалламакда. Чиқин-

рий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисидаги» Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни келтириш мумкин.

Бугун кўчалар кўркини бузиб, одамлар саломатлигига зиён етказётган бундай ноҳуш манзараларни ахён-ахёнда бўлсада учратиш турамыз. Айниқса, ёз ва кузда салқин ичимликлар идишлари, турли елим халтача ва ҳоказоларга тўлиб кетган чиқиндиҳоналарга тез-тез кўзимиз тушади. Энг аянчлиси шундаки, айрим кимсалар бепарволик билан маҳ-

сул жойларга «етиб боролмай», чиқитни тураржой бинолари атрофидаги йўлакчалар четида тўкиб кетаверишади...

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича Тошкент шаҳар табиати м у х о ф а з а қилиш кўмитаси,

Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ички ишлар бошқармалари томонидан «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни Тошкент шаҳрида бажарилиши, саноат ва маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш марказларидан (мамлакатимизнинг 30 фоиз, яъни ички маҳсулоти айнаан Тошкент шаҳрига тўғри келади) бири ҳисобланади. Худуд кенг қамровли тузилмаларга эга: авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озик-овқат, электротехник саноатлари, қурилиш-индустрия қорхоналари ва бошқалар мавжуд.

Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси Назорат бўлими бошлиғи Зокир Аҳмедовга мурожаат этдик.

— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига чиқиндилар кўмиш учун «Охангарон» чиқиндиҳонаси ташкил қилинган, унинг майдони 59 гектарни ташкил этади. 1990 йиллар охирида Тошкентда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш билан боғлиқ кескин вазият юзага келган эди. Ўша вақтларда шаҳар чиқиндилари ўрта ва кичик тоннали юк машиналари (1,5-3,5 тн) ёрдамида умумий майдон 88 га бўлган учта — Охангарон, Зангиота ва Ҳасанбой полигонларига олиб чиқилган.

Tabiat va biz

Боз устига, Зангиота ва Ҳасанбой ҳудудларида фаолият юритаётган чиқиндиҳоналар шаҳарга туташ ҳудудда жойлашгани сабабли улар экологик ва санитар-эпидемиологик потенциал хавфи вазият манбаи бўлиб келган. Бу ўз навбатида маҳаллий ҳокимият ва назорат қилувчи органларга полигон ҳудуди яқинида истиқомат қилувчи аҳолидан ўнлаб шикоят ва аризалар тушишига сабаб бўлган.

«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан инвестицион дастурни тadbик этиш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда. Мазкур қарорни тadbик этиш бўйича шаҳар чиқиндиҳонасида чиқитлардан ҳосил бўладиган биогазни ёқиб лойиҳасини амалга ошириш ишлари йўлга қўйилган. Лойиҳа



«Муссаффо ривожланиш механизми» доирасида Киото протоколи асосида Япониянинг «Шимидзу» компаниясида «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси «Чиқиндилар қайта ишлаш қорхонаси» билан ҳамкорликда яратилган.


Лойиҳадан қўзланган мақсад — Тошкент шаҳар чиқиндиҳонасида чиқиндиларни кўмиш натижасида ҳосил бўладиган биогаз таркибидаги метан газини ташқарига чиқариб ёқиб биогазининг атмосферага чиқишини камайтириш ва атроф муҳит шароитини муҳофаз қилишдан иборат. Уйлаймики, яқин йилларда юртимизда чиқиндиларни қайта ишловчи заводлар сони, уларнинг самардорлиги, экологик софликка қўшадиган улуши ҳамми ортади...

Хулоса қилиб айтганда, чиқиндиҳоналар — инсон фаолияти туфайли ихтирий равишда юзага келган улкан «микроб ва бактериялар» уяси. Бундай зараркунандлар ташуви турли касалликлардан азият чекишни ҳеч биримиз истамайми, албатта. Улардан тезроқ ва самарали равишда қутлишнинг бирдан-бир чораси — маҳсул заводларда тозалаб, зарарсизлантириб, ишлаб чиқариш саноатига қайтадан жалб этишдир. Зеро, шундай қилингандагина қиқитни ерга кўмиш, ёқиб юбориш ёки океанлар тубига кўмиш оқибатида келиб чиқадиган салбий оқибатлардан инсонлар ҳамда табиатдаги барча тирик жоннинг зиён қўришининг олди олинган бўлар эди.

Шаҳина ЖҲҲАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

БАКТЕРИЯЛАР КАРИЕСДАН ХИМОЯ ҚИЛАДИ

Ньюкасл университети олимларининг фикрича, сувўтларида яшовчи микроблардан олинган энзимлар инсон тишларига ижобий таъсир кўрсатар экан. Бу моддаларни тиш пастаси таркибига қўшиш орқали кариесдан ҳимояланиш мумкин, дея таъкидлаётир. Улар узоқ вақт мобайнида «*Bacillus licheniformis*» бактериясини ўрганган олимлар унинг тишлар орасидаги бўшлиқларни тозалай олиш имконияти анча юқори экани ҳақида бир хулосага келишди. Кузатув натижалари ВВС сайтида эълон қилинди.



Лаборатория синовларида маълум бўлишича, энзим модда тишларга зарар етказувчи озиқ-овқат қатламга кириб боради. Доктор Ник Якубовиксининг сўзларига қараганда, тиш устидаги қатлам ён-атрофдаги бўшлиқни «ишғол қилиш» учун бирлашувчи микроорганизмлардан ташкил топган. Оддий тиш пасталари ушбу қатламни шунчаки тозалаб ташлайди, аммо охиригача эмас. Бактерия ҳужайралари нобуд бўлгач, тишларга мустаҳкам ўрнашиб олувчи ёпишқоқ биофилмга ҳосил бўлади. Шу боис тиш устидаги қатламдан эмас, ундаги бактериялардан халос бўлиш осонроқ. Эндиликда олимлар мазкур усулнинг хавфсизлигини исботлаш устида бош қотиришмоқда.

БОЛАНИ ЖАЗОЛАШДА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Виннипегадаги Манитоба университети (Канада) олимлари болаликда жисмоний жазони тенгдошларига нисбатан кўпроқ бошдан кечирганлар кейинчалик кўрқув, тушқунлик ҳамда шахс ривожланишидаги оғишлардан азият чекиши мумкинлиги ҳақида уқтиришмоқда. Улар бу хулосага Америка рўйхатга олиш идораси томонидан 2004—2005 йиллар мобайнида тўпланган 35 минг нафар вояга етмаганларга оид маълумотлар таҳлилидан сўнг келишди. Тадқиқот натижаларига оид мақола «*Pediatrics*» журналида эълон қилинди.

Рўйхатга олишда иштирок этганлар болаликда жисмоний жазога қай даражада дучор этилгани, оилада яна қандай муаммолар борлиги (масалан, гиёҳвандлик ёки ота-оналарнинг қамқоққ олиниши) ҳақидаги саволларга жавоб беришди. Бундан ташқари, улардан ўтмишда ҳамда ҳозирги пайтда кузатилаётган руҳий муаммоларни баён этиш сўралди.

Аниқланишича, иштирокчиларнинг 6 фоизи болаликда ота-онасидан баъзи-баъзида, кўп ҳолларда ҳамда тез-тез таёқ еб турган. Бу гуруҳдагилар кайфият билан боғлиқ муаммоларга кўпроқ дуч келишган, уларда гиёҳванд моддалар ҳамда алкоголь ичимликларга мойиллик кузатилган. Мисол учун, жисмоний жазоларни ёдига сақлаб юрганларнинг 20 фоизидан тушқун кайфият устуңлик қилган, 43 фоизи эса ичкиликка муқасидан кетган.

Тадқиқот хулосасига кўра, болаларга жисмоний жазо бериш сурункали стрессдан, кейинчалик эса депрессия ёки сабабсиз хавотирдан азият чекишига сабаб бўлар экан.

Торонто университети мутахассисларининг бир неча йил аввалги тадқиқотларидан маълум бўлишича, бола тарбиясида шифқатсиз жазо усулларини қўллаш онкologик касалликлар ривожланиши хавфини 49 фоизга оширади.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЯНГИ ПРЕПАРАТ

Иллинойс Шимоли-ғарбий университети (АҚШ) олимлари меланома, псориаз каби ҳаёт учун хавфли ҳисобланган оғир тери касалликларини даволаш учун махсус дори воситаси тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда.

Ишлаб чиқилаётган суртма дори касалланган ҳужайралар ичига кириб, уларни генетик усулда ўзгариштири



мумкин, деб ёздаи «ABC News» янгиликлар хизмати сайти.

Мазкур лойиҳа раҳбари, дерматолог, профессор Эйми Пэллернинг таъкидлашича, бундай даволаш дори-лар ёки инъекцияларга қараганда кучсизроқ акс таъсир кўрсатади. Бироқ ушбу усулнинг мураккаблиги шундаки, инсон териси кучли табиий девор вазифасини ўтайди.

Генетик материал тери ҳужайраларига кириб бориши учун олимлар нанотехнологиялардан фойдаланиш ҳамда боғланган генни заррачалар билан ўраш орқали касалланган ҳужайраларни аниқлашни режалаштиришмоқда.

ГЛОБАЛ ИСИШГА МОСЛАШИШ

Глобал исиш жараёни билан боғлиқ иқлим ўзгаришлари ҳайвонлар ва ўсимликлар ташқи кўринишига қандай таъсир этиши мумкин? Аделаида университетининг (Австралия) бир гуруҳ эколог олимлари ўз тадқиқотлари давомида айнни шу саволга жавоб излашди. «*Biology Letters*» журналида тадқиқот натижаларига оид мақола эълон қилинди.

Олимлар Жанубий Австралияда ўсувчи ёпишқоқ додонеянинг (*Dodonaea viscosa*) ташқи кўриниши қай тариха ўзгарганини таҳлил қилишди. Экватор йўналиши бўйлаб 600 километр узунликда ўсимлик барглари аста-секинлик билан ингичкалашиб борган. Маълумки, иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида ингичка ва узун барглр ўсимликларга намликни ўзида сақлаб қолиш учун ёрдам беради.

127 йил мобайнида ўсимлик барглари 2 миллиметрга ингичкалашган. Бу ўзгариш аслида ўсимликни бир географик ҳудуддан бошқасига кўчириб ўтказган ҳолатда кузатилиши керак эди. Хулоса шуки, вақт ўтиши билан ўсимлик барглрининг ингичкалашиши нисбатан қуруқ ва иссиқ иқлим шароити билан изоҳланади. 1950 йилдан бошлаб Жанубий Австралиядаги ўртача ҳарорат 1,2 даражага ошган.

Бу каби сезиларли ўзгаришларнинг жуда қисқа вақт ичида содир бўлиши тадқиқотчиларни ҳайратга солди. Уларнинг фикрича, тадқиқотлар давом эттирилиши ва шу аснода баъзи мавҳум жиҳатларга аниқлик киритилиши керак. Негаки, глобал исиш билан боғлиқ иқлим ўзгаришларига ўсимлик турларининг мослашиш имкониятлари ҳар хил.

МАРСДА НОЁБ КРАТЕР АНИҚЛАНДИ

Европа космик агентлигининг «Марс Экспресс» (*Mars Express*) фазовий зонди қизил сайёра сатҳида суюқлик борлигидан дарак берувчи ғайриоддий кратерлар водийсини суратга олишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда агентлигининг расмий сайти хабар беради.

17 апрель кунн ЕКА ўз камерасини Марсдан водийси — Марсдаги баҳайбат каньонлар тизими яқинида жойлашган тектоник тепаликка йўналтирди. Мазкур ҳудудга Мелас Дорса (*Melas Dorsa*) номи берилди ҳамда вулкон отилиши натижасида атрофида нотекис излар ҳосил бўлган шу номдаги катта кратер фазовий тадқиқотлар давомида аниқланган муҳим топиломалардан бирига айланди. ЕКА мутахассисларининг таъкидлашича, фотосуратда гаройиб тарзда кесишган кратерлар, тизмалар ҳамда тектоник ёриқлар акс этган.

Нисбатан кичикроқ бурчак остидаги астероид зарбаси натижасида ҳосил бўлган Мелас Дорса кратерининг диаметри 16 километрни ташкил этади. Олимларнинг таҳминига кўра, унинг атрофидаги суюқлик бор ҳудуд эриб кетган муз қатлами бўлиши мумкин. Кичикроқ ҳажмдаги кратерлар ҳам астероидларнинг ўзаро тўқнашуви натижасида юзага келган, аммо бу ҳодиса музлар эриб кетганидан сўнг юз берган.

Висола ҚАРШИБОВА,
Садоқат ХОЛМУРОВА
тайёрлади.



Бирлашган Қироллик пойтахти Лондон шаҳрида Европадаги энг баланд осмон-ўпар бино — италиялик меъмор Ренцо Пиано лойиҳаси асосида қурилган, баландлиги 309.6 метрга тенг «Шард»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри яқинида кескин об-ҳаво ўзгариши туфайли ағдарилиб кетган яхта бортидаги уч киши ҳалок бўлган, 25 нафар одам қутқариб қолинган, дея хабар беради «*Associated Press*» агентлиги.

«Disney» корпорацияси болаларга глобал тармоқ сайтларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўргатувчи реклама лойиҳасини ишга тушириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Хитойнинг жами 15та провинциясида олиб борилган операция давомида болалар савдоси бўйича иккита жиноятчи гуруҳ фаолияти фoш этилди ҳамда 181 нафар бола озод қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан интернетдан эркин фойдаланишда умумжамоат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир резолюция қабул қилинди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат ер кадастри томонидан 2010 йил 10 декабрда берилган, серия рақами ТА № 1096395 бўлган, фуқаро Содиков Хуршид Абдисамад ўғлига тегишли Зангиота тумани Эшонгузар қишлоқ фуқаролар йиғини Собир Раҳимов кўчаси 5-уй, 10-хонадоннинг кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 12-умумтаълим мактаби томонидан 1993 йилда Кулантаева Дилфуза Арапбаевна номига берилган ВУ № 1071705 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати томонидан 1991 йил Цыганова Марина Николаевна номига берилган В № 243135 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтини жамоаси табиатшунослик факультети биология кафедраси мудири, профессор, экология, инсон саломатлиги ва табиат ҳалқаро академиясининг (МАНЭБ) академиги, «Дўстлик» ордени соҳиби

Давир ТҲЛИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

ШЕЪРИЯТ БАХШ ЭТГАН МЕХР

Ифодали ўқиш машғулот. Устоз талабаларга ёд олган шеърларини айтириб кўради. Ҳақи яхши таниши улгурмаган 1-курс талабалари қисиниб-қимтини ўтиришар, овозларида ҳаяжон, ҳадик...

Устоз ўйхатга кўз ташлаб, навбатдаги талабани чақирди:

— Дилобар Мусаева.

Атлас қўлакчи, тим қора сочлари силлиқ таралган киз ийманибгина ўрнидан турди.

— Марҳамат, ўзингиз севиб ёдлаган шеърни ўқиб беринг, деди устоз.

Қизнинг юзига хиёл қизиллик югурди, ботинмайгина аудиторияга қараб олди-да, кўзини деразага тикканча шеър ўқий бошлади:

Неча кунки,
йўқ оромим,
Келолмайман хушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар

тушимга...

Қизнинг сеҳрли, ширали овози ҳамманинг эътиборини оҳанробдек ўзига тортарди. Талабалар қатори ўқитувчи Махмуда Хотамова ҳам шеърни мириқиб эшитди. Аудиторияда ўтирган қалин қора қрош йиғитча ҳам қизни сел бўлиб тинглади...

Тақдир уни бу шеърхон кизга ана шу фурсатларда боғлади. Ораларида пайдо бўлган меҳр-муҳаббат ришталари кейинроқ никоҳ тўйи билан янада мустаҳкамланди.

Умр оқар сув дейдилар, шу воқеага ҳам салкам қирқ йил бўлибди. Бугун қора қрош йиғит Карим Кўчоров олтиш, Дилобархон эса эллик беш ёшга тўлибди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирган, Дилобархон узок йиллар Мирзо



Улугбек туманидаги 121-мактабда ёш авлодни тилимизнинг бой хазинасига олиб кириб, миллий адабиётимиз дурдоналаридан баҳраманд этди.

Қасбига ва фанига меҳри банд, изланувчан муаллим ўзидаги илмга ташналикни шогирдларига ҳам юктира олди, ўқувчилари фан олимпиадаларининг шаҳар ва республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб, турли олий ўқув юртларининг талабасига айланди.

Ҳозир нафақада бўлишига қарамай, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 171-мактабда фаолият олиб бормоқда. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб хисса қўшмоқда. «Устоз-шогирд мактаби»ни яратиб, узок йиллик иш тажрибасини ёш педагогларга ўргатмоқда.

Карим ака ҳам дастлаб Юнусобод туманидаги 239-мактабда, кейинчалик Ички ишлар вазирлигининг ахлок тузатиш бошқармаси тасарруфидаги вояга етмаганларнинг Тошкент тарбия-меҳнат муассасаси махсус мактабидан она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берди. Ҳаётда адабий жиноят кўчасига кириб қолган, тарбияси оғир болаларни ахлоқан қайта тар-

биялаш, уларда соғлом дунёқараш, жамият қонунлари ҳамда миллий урф-одат ва аъёналарга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга, илм эгаллашга иштиёқ уйғотишга астойдил бел боғлади. 1993 йили мактабга раҳбар этиб тайинлангач, педагоглар жамоаси билан махсус мактабларда ўқиш-ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, таълим-тарбия асосларини миллийлаштириш борасида изланишлар олиб борди.

Бу инсон болалигидаёқ бадий ижодга ҳавас қўйган эди. Унинг шеър, ҳикоя, ҳажвия ҳамда мақолалари республика нашрларида чоп этиб турилади. Ҳозир Ички ишлар вазирлиги ҳазони ижро этиш бош бошқармасининг «Вақт-Время» газетасида фаолият юритмоқда.

Карим ака билан Дилобархон бугун бир этак невараларнинг доно бобоси ва севишли бувиси. Фарзандлари ҳам олий маълумотли, қизлари Шаҳнозахон ота-она қасбига меҳр қўйиб, бир вақтлар улар ўқиган олий ўқув юртида талабаларга сабоқ бермоқда.

**Мадрид ХАМРОЕВ,
Туроб ИРИСБОВЕВ,
филология
фанлари номзодлари**

Ўзини камол топтира олмаган инсон ўзгалар камолотини таъминлай олмайди, деган эди Конфуций. Замонавий педагог қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо амалда... Бу борада, айниқса, қасб-хунар коллежлари ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки улар нафақат замонавий билимлар ва педагогик технологияларни пухта ўзлаштиришлари, балки билимга ташна, энг қизиққон ёшдаги ўқувчилар қалбига йўл топа олишлари лозим. Ақс ҳолда, кўплаб истеъдод гунаҳлари қийғос очилмай, сўлишига сабаб бўлиш ҳеч гап эмас. Чунки тўққиз йил мобайнида ўрганган устозлари ва ўртоқларидан айро-янгидан муҳитга ўтган 15-16 ёшли ўсимир руҳиятида жуда катта ўзгаришлар юз беради. Коллеж ўқитувчилари ҳам устоз, ҳам ота-она, ҳам дўст бўлиб ўқувчилари дилига дилларини пай-

Ta'lim fidoyilari

ларга эришишига Зебинисо Жамоловнинг хизмати синган: коллеж ўқувчилари Беғзод Фармонов қурилиш ва пардозлаш таълим йўналиши бўйича республика «Қасб маҳорати» танловидан фахрли 2-ўринини, Нурали Нормуродов «Энг яхши автомобиль хайдовчиси — 2012» танловининг вилоят босқичида 3-ўринини, шунингдек, Достон Саъдуллаев жорий йилда «Энг яхши электр-газ пайвандловчиси — 2012» танловининг вилоят босқичида 1-ўринини олиб, республика босқичида юқори натижаларни қайд этди.

Зебинисо Жамолова маънавий-маърифий ва ташкилий ишларда ҳам фаол. Ўқувчиларнинг шахсий ҳаёти ва оилавий ахлоқ, руҳий кечинмалари билан яқиндан танишиб қўлидан келган ёрдамни аямайди. Истеъдодли

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

ванд эта олсагина, том маънодаги замонавий педагог, деган номга лойиқ бўладилар, назаримда.

Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик қасб-хунар коллежидан чорак асрдан ортқ директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган таълим фидойиси Зебинисо Жамолова бунга жуда яхши ҳис қилади. 1985 йили Бухоро давлат педагогика университети математика факультетини тамомлаб, Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик қасб-хунар коллежи (аввалги 27-сон хунар-техника билим юрти)да математика фани ўқитувчиси сифатида фаолиятини бошлаган Зебинисо Жамолова 1988 йилдан бери директор ўринбосари сифатида жамоага етакчилик қила бошлади. Ўз устида мунтазам ишлаш, тинимсиз изланиш, қасбига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва шогирдларининг ишончи унинг кўплаб ютуқларига асос бўлди.

Коллеж ўқувчиларининг турли танловларда юқори натижа-

ёшларнинг маҳоратини оширишга ва муносиб иш ўринлари билан таъминланишига кўмаклашади. Дарсларни ноанъанавий усулда янгича педагогик технологиялар асосида ўтиб, ёш ўқитувчиларга ўрнат бўлмоқда. Шу каби хизматлари туфайли у 2006 йили «Ўрта махсус, қасб-хунар таълими аълочиси» кўрак нишони билан тақдирланди.

Изланувчан педагог, жонқуяр устоз, масъулияти раҳбар коллеж услубий кенгашини бошқарар экан, тажрибали ўқитувчилар ва амалиёт раҳбарларининг кўп йиллик тажрибасини умумлаштириш ва ёш педагог ҳодимларга методик кўмаклашишни мунтазам йўлга қўйиб, ўқув жараёни самарадорлигига эришди. Зебинисо Жамолова ўз шогирдларининг Ватанимиз келажаги учун муносиб фарзанд бўлиб камол топишига ишонади.

**Нозима ТЎХТАЕВА,
Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик қасб-хунар коллежи ўқитувчиси**

«ЖАМИЛАНИНГ ЎҚУВЧИСИ ЭКАН!»

Чик-чик... Жамила опа уйку тўла кўзлари билан соатга қарар экан, «Бир пасда вақт алламаҳал бўлиб қолди-я», деб ўйлайди. Кўзи илларинимас ҳўроз қиқиригидан уйғониб кетди. Яна кундалик юмушлар, ҳаёт ташвишларига шўнгийди.

Устознинг «хато»си

Мактаб остонасига қадам қўйarkan, бугун ҳам жажжи қалбларга илм чирогини ёқиш билан ўтишини ният қилади. Ҳаётининг мазмуни кўзлари порлаб турган болажонлар эканлигини англайди.

— 25 йил мобайнида 5та синфни учирма қилдим, — дейди Қамали туманидаги 28-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиси Жамила Ёкубова. — Уларнинг ҳар бири мен учун азиз, ҳар бирини ўзгача меҳр билан яхши кўраман.

Устознинг шогирдлари бугун жамиятимизга фойдаси тегаятган ёшлардан. Абдулла Ҷармонов асарлиқчилик билан шуғулланаётган бўлса, Гулшан Қурбонова ўқитувчилик касбини танлади. Ўртимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида педагогнинг кўплаб ўқувчилари тахсил олмоқда.

— Катта бўлсанг қим бўласан?, деб сўрашса, «Жамила муаллим бўламан» дея жавоб берардим, — дейди Қарши давлат университетининг бошланғич

таълим йўналиши 2-босқич талабаси Сабохат Йўлдошева. — Устоз ўқувчиларни қизиқтириш учун турли усуллардан: ака-опаларимизни макташ, аълочи ўқувчиларни ўртак қилиб кўрсатиш, кимнинг ўзлаштириши яхши бўлса, биринчи партага ўтказиш, ҳатто бироз кўрқитиш(хонамизнинг бурчагида шакф бўларди; агарда айтганларини қилмасак ёки дарс тайёрламасак шакфга қамаб кетаман, дерди. Албатта, биз — ўқувчилар бунга ишонардик), иккита «беш» баҳо қўйиб раббатлантиришдан фойдаланарди. Бир сафар доскага ёзаётганларида «мактаб» сўзидаги биринчи «а» ҳарфини тушириб қолдирибдилар. «Устоз, «мактаб» ёзиб қўйибсиз», дедим дарҳол. Шунда ўқитувчим «Ҳа, баракалла, сизларнинг билимингизни текшириб кўрмоқчийдим. Бундан кейин ҳам эътиборли бўлинг. Мана, хатони тузатамиз», дея «а» ҳарфини ёзиб қўйдилар. Бу каби воқеалар кўп бўларди. Синфдошлар йиғилганимизда эслаб қулишамиз.

«Боланинг ёмони бўлмайди...»

Жамила опанинг қўлида бошланғич таълимни олган, алифбони таниган, ёзишни ўрганган ўғил-қизларнинг бири бугунги кунда яхши кўёв, бири чакқон келин. Хатто совчилар орасида

«Жамиланинг ўқувчиси экан», деган гаплар бўлиб туради.

— Овсиним фарзандининг ўқитувчиси Жамила опа ҳақида айтган илқ гаплари ва раҳматларидан билишимча, боланинг келажаги қайсидир маънода биринчи ўқитувчисига боғлиқ экан. Мен ҳам қизим Барчинини шу ўқитувчининг қўлига топширишга қарор қилдим. Фарзандимни мактабга етаклаб борганимда эса бунинг осон эмаслигини, «Мен Жамила муаллимда ўқийман», дегувчиларнинг кўпчилигидан ҳайратга тушдим. Шунда боланинг худди шу опадек ўқитувчи бўлишини орзу қилгандим. Шукрки, орзуларим рўёбга чиқиб, қизим Қарши давлат университетининг бошланғич таълим йўналишига грант асосида ўқишга қабул қилинди. Синглиси Шаҳодатнинг ҳам Жамила опанинг қўлида тахсил олиши фарзандларимга омадининг қилиб бокқанидан бўлса керак, — дея тўлқинланиб гапиради Саодат Алиева.

Дарҳақиқат, Жамила Ёкубова ана шундай таҳсинга сазовор, келажақ авлод тақдирига бефарқ бўлмаган жонқуярлардан. Унинг учун вақтинг ҳар бир дақиқаси ғанимат, ҳар сонияси олтинга тенг. У ўтаётган умрини эзгу ишларга — ёшлар тарбиясига бағишлаётганлардан. У шунчаки кун ўтиши

учун, кимгадир яхши кўриниш ёки иқтисодини ўйлаб қилмайд бу ишларни. Ўғил-қизларга юракдан меҳр билан сабоқ берадики, энг тўплончи, бебош бола ҳам устоз қўлида керакли билимларни ўзлаштириб олади. «Боланинг ёмони, иқтидорсиз бўлмайди, аксинча, ўқувчини қизиқтира олмайдиган педагог бўлиши мумкин», деб ҳисоблайди ҳақрамонимиз.

— Очиғи, Жамила опага ҳавасимиз банд, — дея сўхбатга аралашади ҳамкасбларидан бири Дилфуза Умбарова. — Танаффус пайтлари ҳам хонасига бош суқиб кўрсангиз, нималар биландир банд, нимадир ясаётган ёки китоб мутолаа қилаётган бўлади. Бир кун қўшнимиздан кичкина бўлса ҳам балиқ тутиб беришларини сўраётганини эшитиб қолдим. Эртаси кун не кўз билан қўрайки, Жамила опанинг синфхонасигади қўргазмали қуроллар орасида балиқ бор эди.

Устоз ҳар бир дарсини мисоллар, ҳаётий воқеалар билан боғлаб ўтади. Шунда бола қалби ҳам табиатга ошuftа, атроф-муҳитга ҳамоҳанг тарзда улғаяди. Унинг жажжи юрагига Ватанга муҳаббат, инсонларга бўлган меҳр ниш уради; қарабсизки, секин-аста чукўр илдиэ отиб, юксак маънавиятга айланади. Энди унинг учун Ватандан азиз жой, унингдек кўркам гўша топиламайди. У энди юрти раънақи учун ўз ҳиссасини қўшишдек улғў орзу билан яшайди. Шунда осийша тунларимизни фақатгина соатнинг «чик-чик»и бузиши мумкин...

Моҳигул КОСИМОВА

КАТТА СПОРТ МАЙДОНИГА ИЛК ҚАДАМ

Юртбошимиз ташаббуси билан бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари, шубҳасиз, юртимиз ёшларининг спортга иштиёқи ҳамда маҳоратини янада ошириш баърида уларни галаба ва ютуқлар сари олға интилишига руҳлантirmoқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган спортчилар илк қадамларини ана шу спорт ўйинларида ташлашган.



Навоий вилоятининг нафақат марказий худудларида, балки чекка қишлоқларида ҳам жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантиришга, спортнинг барча турларини оммалаштиришга берилган эътибор сабаб кулай имкониятлардан қалби олов, шаҳардаги шароитлардан қолишмайди, кенг имкониятларга эга спорт иншоотлари келажак авлод ихтиёрида. Юрагиди ёшлик шижоати жўш урган, спортни ҳаётининг ажралмас қисми деб билган бу ёшлар давлатимиз томонидан барпо этилган бундай замонавий спорт мажмуаларида маҳоратли мураббийлардан кураш, енгил атлетика, бадий гимнастика, баскетбол, волейбол, шахмат, қўл түпи, сузиш ва бошқа спорт турларини пухта ўрганиб туман, шаҳар, вилоят ва республика мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишадир.

«Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида ҳам вилоятимизнинг шундай иқтидорли ўқувчилари ўзи маҳоратларини намойиш этди. Мурсасиз,

айни пайтда дўстона руҳда ўтган мусобақаларда спортчи-ўқувчиларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритиб, Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирлангани бутун вилоятимиз аҳлининг қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Маҳорати ва қобилиятини мурсасиз баҳсларда намойиш этган ўқувчи-ёшларимиз вилоятимиз шароити муносиб ҳимоя қилди. Жумладан, баскетбол бўйича Навоий шаҳридаги 1-мактаб 8-синф ўқувчиси Лейла Гасимова, 4-мактаб 8-синф ўқувчилари Александр Кобина ва Ксения Муратова, 9-синф ўқувчиси Мадина Нурмуродова, 6-мактаб 8-синф ўқувчиси Фарангиз Орзимуродова, 13-мактаб 9-синф ўқувчилари Руфина Насирова ва Гўзал Валиева, 16-мактаб 7-синф ўқувчиси Аляна Идрисовадан ташкил толган қизлар терма жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Мусобақада ўқимирлар жамоаси ҳам 1-ўринга сазовор бўлди. Катта мураббий Вячеслав Кан ва мураббий Нигора

Исмоилованинг тинимсиз меҳнати туфайли ёш спортчиларимиз ана шундай фахрли ўринларни забт этишди.

Қўл түпи баҳсларида ҳам мураббий Ҳабибулло Қодиоров бошчилигида пухта тайёргарлик қўрган Хатирчи туманидаги 5-мактаб 9-синф ўқувчилари Зарифа Исоқуллова, Хилола Расуллова, Феруза Бойирова, Гулчирай Тўтаева, Юлдуз Болтаева, 38-мактаб 9-синф ўқувчилари Мухлиса Назарова, Хилола Мизамова, Навбахор туманидаги 6-мактаб 9-синф ўқувчиси Махлиё Юлєева, 8-синф ўқувчилари Дилбар Дилмуродова, Гулбахор Шамсиевалардан иборат гандболчи қизлар барча рақибларини ортда қолдириб, ғолиблик шохсупасидан жой олишди.

Енгил атлетика ўйинларида навоийлик ёшларини тайёрлаган мураббий Равил Ҳайитовнинг таъкидлашича, спортчилардан Навоий шаҳридаги 2-мактаб 9-синф ўқувчилари Достон Нурлибоев, Озоджон Алиқуллов ва Баҳора Қайумова, 15-мактаб 9-синф ўқувчиси Зарнигор Худойбердиева, Хатирчи туманидаги 26-мактаб 9-синф ўқувчиси Шохруҳмурзо Мурторов, Навбахор туманидаги 7-мактаб 9-синф ўқувчиси Зулфизар Абдуллаева мусобақаларда фаоллик

кўрсатиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Ўқувчиларимизнинг умумжамоа ҳисобида 2-ўринга сазовор бўлгани янада қувонч ва шодлик улашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жамоадаги энг иқтидорли спортчилардан Шохруҳмурзо Мурторов 400 ва 200 метрга югуриш ҳамда эстафета баҳсларида 1-ўринларни эгаллаб, учта олтин медални олишга муссар бўлди.

Сузиш мусобақаларида вилоятимизнинг энг маҳоратли мураббийларидан Темура Эргашев раҳбарлигида Артур Исмаилов, Даниил Саидов, Владислав Ефимов, Баҳодир Эгамов, Отабек Тўраев, Екатерина Ирисова, Алена Васильева, Галия Абукайирова, Ольга Пашкова, Нигора Тошматова ўз маҳоратини намойиш этиб, финал баҳслари шохсупасидан жой олди.

Кураш баҳсларида ҳам вилоятимиз ўқувчилари бошқа тенгдошларидан ортда қолади. Миллий кураш мусобақаларида Навоий шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси Абдулло Бобоқуллов мураббийлари Мамадали Норов ва Қаҳрамон Гаппаровдан ўрганган усулларни қўлаб, муносиб галабага эришди. Белбоғли кураш бўйича Давлатбек Исमतов баҳслар якунига қўра қучли учлиқдан ўрин олди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг якуний босқичида фаол иштирок этиб, вилоят шароити муносиб ҳимоя қилган спортчи ўқувчилар ва уларнинг мураббийлари вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ва бошқа ҳимой ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мураббий ва спортчиларнинг келгуси ишларига муваффақият ёр бўлишини, зафарли одимлари бардавом бўлишини таъкидладилар.

Навоий вилояти

Хибия УТАГАНОВА

«ШИОРИМ: ДОИМО ОЛҒА ИНТИЛИБ ЯША!»

Эндигина мактабда фаолият бошлаган ёш педагогларни ҳар кун бири имтиҳон кутади, десак асло муболага бўлмайди. Ўнлаб қорақўлларнинг диққатини жалбаш осонми? Улар янги ўқитувчиға зўр қизиқиш, умид билан боқадилар. Фарғона шаҳридаги 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Тоҳир Мўминов ҳар бири ўқувчиға индивидуал тарзда ёндашади.

Фаолиятининг илк йилларида ноқ у болалар қалбига қулоқ солишни ўрганди. Фарзандининг бирор спорт тури билан шугулланишни истайдиган ота-оналар билан бамаънаҳат иш тутди. Ўқувчиларни ўзлари қизиққан спорт турларига жалб этди.

Болаларнинг спортга бўлган иштиёқини янада ошириш мақсадида «Фарғона ҳақиқати» газетасида шогирдлари эришган муваффақиятлар ҳақида қўлаб мақолалар эълон қилди. У ишлаётган мактабда ҳам юртимиздаги барча мактаблардаги каби спортни ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароит бор.

2011 йил Тоҳиржон Мўминов учун жуда омадли келди. У анчадан буён ўзини ўйлантириб келатган мавзу — «Ота-она ва жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамкорлиги» мавзусида методик қўлланма яратишга жазм этди. Фидойи педагогнинг қўп йиллик тажрибалири, ўй-хаёллари, фанга оид муаммолар унда шу ихчам рисолада акс этди. Унда, жумладан, шундай

ёзилган: «Ота-она ўз фарзандининг қизиқиш ва иқтидорини билмасдан туриб, боласи эмас, ўзи хоҳлаган спорт турига қалб элиги ҳаракат қилади. Бора-бора боланинг ушбу спорт туридан кўнгли совийди. Секин-секин болга, машғулотга кетдим, деб йўлни бошқа томонга буради, масалан, компьютер ўйинлари хонасига».

— Жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳар бири ўқувчисида спортнинг қайси турига қизиқиш борлигини ва унинг имкониятлари юзасидан мониторинг олиб бориши зарур, — дейди муаллиф. — Ота-она жисмоний тарбия ўқитувчиси билан танишиб, боласининг қайси спорт турига иқтидорли, қизиқиш борлигини маслаҳатлашса, жуда соз бўлади. Аммо баъзи ота-оналар учун жисмоний тарбия фани у қадар аҳамиятли эмасдек туюлади.

Спортни матонат, нафосат, соғломлик тимсоли, деб билувчи ота-оналар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Баҳромжон Исоқов

ҳамда Соҳиба Чўянова шундай оилалардан. Фарзандларининг келажаги, қизиқишлари улар учун доимо биринчи даражали масалалардан бири. Шу боис, Шохаббос бугун қўл жанги бўйича республика чемпиони, 2012 йилда ўтказилган Европа биринчилигининг қумуш ва бронза медаллари соҳиби. Бундай эътибордан қувват олиб, спортга ошно бўлаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Таэквандо бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони Аслбек Эрматов ва Шохруҳ Қосимов, вилоят чемпиони Жавохир Фаниев, Юнусбек Исахонов ва Шохруҳ Маҳмудов каби иқтидорли ёш спортчилар мураббий Тоҳиржон Мўминовнинг сеvimли шогирдларидан.

Қизлардан 8-синф ўқувчилари Хуршида Абдугаюрова ҳамда Шахло Тоҳирова, Нозима Хўжаевадан умид катта. Улар спортда юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қилмоқда.

2011 йилда Тоҳиржон Мўминов «Энг яхши фан ўқитувчиси — 2011» танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди, республика босқичида эса фахрли учинчи ўринни эгаллади. Бу эса Тоҳиржон Мўминовни янада кўпроқ ишлашга, интилишга ундагани шубҳасиз.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири



БАҲСЛИ ҲОЛАТЛАР ЕЧИМИ

ФИФАда сўнгги вақтларда футбол учрашувлари давомида гол билан боғлиқ баҳсли ҳолатларни автоматлаштирилган тизим ёрдамида ҳал қилиш масалалари муҳокама-сига бағишланган мажлис ўтказилди.



«Goal-line technology-GLT» деб номланувчи ушбу технология аввал ҳам Ўқирок шаҳрида ўтказилган мажлисда қўриб чиқилган ва футбол табиийлигига путур етказиб қўймайди мақсадда тақдир рад этилган.

«Франс Пресс» ахборот агентлигида хабар берилишича, ушбу мослама илк марта шу йили Клублар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида синодан ўтказилди. Сўнгра келаси йили бўлиб ўтадиган Конфедерациялар кубоги баҳсларида ва 2014 йилиги мундиалда қўлланилиши қўда тугилмоқда.

Ҳозир иккита тизим — «GoalRef» ва «Hawk-Eye» мутахассислар қўригидан ўтмоқда. Ушбу қўрилма түп дарозани кесиб ўтган ёки ўтмаганини аниқ қўрсатади ва ҳакам ўз хатосини тўғри-лаш имконига эга бўлади.

СЕРЕНА ФИНАЛГА ЧИҚДИ

Америкалик таникли спортчи Серена Уильямс теннис бўйича Англияда ўтказилган Уимблдон турнирининг финалига йўлланма олди. У мурсасиз курашлар остида кечган ярим финал матчида белоруслик ракеткачи Виктория Азаренкони доғда қолдирди.


Икки сет давом этган баҳсда 6:3, 7:6 (8:6) ҳисоби қайд этилди. Кетма-кет хороҳатлар туфайли бир неча мавсум ўз спорт формасини тикломай келатган Серена ният қилиб теннис турнирида галаба қозониш учун жуда яқин турибди.

Уимблдон биринчилигининг ҳал қилувчи учрашувида С.Уильямс энди польшаллик Ангешка Радванскага қарши қорға чикади. Дунёнинг учинчи рақамли теннисчиси немис вакиласи Ангелика Керберни 6:3, 6:4 ҳисобида енгди. Финал матчи бугун ўтказилди.

Шунингдек, эркаклар ўртасида кечаётган баҳсларда ярим финалчилар номи маълум бўлди. Новак Джокович ва Рожер Федерер, Жо-Вильфрид Тсонга ва Энди Мюррей финал йўлланмаси учун кўч синашади.

МАТОНАТЛИ ПИСТОРИУС

Жанубий африкалик югурувчи-ампутант Оскар Писториус Лондон олимпиадасига борувчи мамлакат терма жамоаси тарихига киритилди. Бу ҳақда Енгил атлетика федерацияси расмий сайтида маълумот берилди.



Писториус болалигида икки оёғидан маҳрум бўлган. Шу тариқа у тарихда олимпиада ўйинларида ампутиация қилинган оёқлар билан иштирок этган илк спортчиға айлан-иши мумкин.

У 30 июнь кўни ўтказилган Африка чемпионатида 400 метрга югуриш баҳсида қатна-шиб, маррага 45,52 сонияда етиб келган. Ваҳоланки, стандарт 45 сонияни ташкил этади.

Шунга қарамай, матонатли Писториуснинг қўп йиллик инти-лишлари Енгил атлетика федерацияси томонидан инобатта олин-ди. У ўз юрти шароити фақатгина эстафета баҳсларида ҳимоя қи-лади.

АНДРЕНИНГ ИККИНЧИ ҒАПАБАСИ

Германиялик моҳир велоспортчи Андре Грайпель Францияда ўтказилаётган «Тур де Франс» кўпкўнлик кимўзларнинг 5-турида ҳам муваффақиятга эришди.

«Lotto-Belisol» жамоаси етакчиси А.Грайпель 4-босқичда ҳам маррага ҳамма-дан олдин етиб келганди...

5-босқич мусобақаларида иккинчи ўринга «Orica» жамоаси аъзоси австра-лиялик Матью Госсга кўтарилган бўлса, учинчи ўрин «Saxo Bank» вакили испан-иялик Хуан Хосе Азпарага насиб этди.

Умумий ҳисобда «Тур де Франс»да иштирок этаётган велоспортчилар рўйба-рини швейцариялик Фабиан Канчалара («RadioShack») бошқараётти.

Садокат МАХСУМОВА тайёрлади.



«ЎЗБЕКИСТОН»

нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатга олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.

Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. r-718.

Tiraj 33294.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi—236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi—236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi—236-55-58, reklama va marketing bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navyatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navyatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА яхуни —21.35
Toshirildi — 22.25